Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 111 (20. 678) • 1990 йил 16 май, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ: МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримовнинг республикадаги ёш иқтисодчи олимлар билан учрашуви республиканинг бўлажак иқтисодий мустақиллиги масалаларига, бозор муносабатларига ўтишга тайёргарлик кўриш муаммоларига бағишланди.

Учрашувда келгусида хўжалик юритишнинг янги усулларига ўтишга қизғин тайёргарлик бораётганлиги айтиб ўтилди. Аҳолининг энг кам таъминланган тоифалари — пенсионерлар, кўп болали оилалар ва студентларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш зарурлиги ана шу муаммонинг ўзагидир.

Республика Министрлар Советининг, Давлат план комитетининг мутахассислари бозор муносабатларини жорий этиш шароитида халқ хўжалигининг самарали ишлашини таъминлаш юзасидан тадбирлар лойиҳасини тақдим этдилар.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов ўз нутқида республика иқтисодиётини такомиллаштиришга барча кучларни сафарбар этиш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Бу ишга расмий идоралардан ташқари, олимлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари, халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг мутахассислари фаол жалб этилиши лозим. Ёш иқтисодчиларнинг ташаббускорлиги ва фидойилигидан фойдаланиш жуда муҳимдир.

Ишлаб чиқаришни кучайтириш, ички резервларни қидириб топиш, республика бюджетидаги камомадни тугатиш вазифалари, ташқи бозорга чиқиш имкониятлари ва бошқа вазифалар энг долзарб муаммолар қаторида тилга олинди.

Иқтисодиётни такомиллаштириш учун хўжалик юритишнинг ижара каби илғор усулларини, қўшма корхоналар тузишни кенгайтириш муҳимдир. Халқ истеъмоли моллари ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш устун йўналиш бўлиши лозимлиги уқтирилди.

Мулкчилик, ер ва ердан фойдаланиш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва хўжалик юритиш тўғрисидаги қонунларни, дейилди учрашувда, республика шароитига мослаштириб кўриб чиқиш зарур. Бу қонунларнинг ҳаммаси республика халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилиши керак.

Мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишга кўмаклашадиган тадбирлар орасида акционерлик жамиятларини, эркин омилкорлик зоналарини — масалан, туризм яхши ривожланаётган областларда тузиш айтиб ўтилди. Миллий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш, бунда уларни ҳам мамлакатдаги, ҳам чет эллардаги ўқув юртларига ва корхоналарига юборишдан фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Республика тараққиётининг истиқболларини фақат ССР Иттифоқи федерациясида, мамлакатнинг ягона халқ хўжалик комплекси доирасида алоқаларни янада кучайтириш орқалигина таъминлаш мумкин деб таъкидланди учрашувда.

Ўзбекистон ССР Давлат план комитети ҳузурида бозор иқтисодиёти, регионал муаммолар идоралараро жамоатчилик институтини тузиш таклиф қилинди. Бундан мақсад — халқ хўжалигини бошқаришнинг демократик негизларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистон ССРни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан самарали ривожлантиришга доир таклифларни ишлаб чиқишга жамоатчиликнинг кенг доираларини ва мутахассисларни жалб этишдир.

Республика Президенти нутқининг ниҳоясида ёш иқтисодчи олимларнинг кўп саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон ССРни Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Давлат план комитетининг раиси Б. С. Ҳамидов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан

• Партия обрўйи—менинг обрўйим

ЭЪТИҚОД КЎРИГИ

Биз ўз камчиликларимизни рўй-рост, очиқ-ойдин тан оляпмиз. Биз йиллар давомида ленинча раҳбарлик принципларидан чекиндик. Юксак минбарлардан туриб оммага йўл кўрсатдик, ақл ўргатдик. Бироқ, ўзимиз ўзга йўлга кириб манфаатпарастлик, ҳудбинлик домига тушдик. Ана шу хатти-ҳаракатимиз туфайли нафақат ўзимизга, балки биз аъзо бўлиб турган партияга, бизга эрку-имкон берган давлат ва тузум номига доғ туширдик. Энди мухолифларимиз бонг ураётган бир пайтда мардона туриб, ўтмишга тош отмай, тарихни тафтиш қилиш билан шуғулланмай, кўпроқ эртанги кун режаларини аниқ ва пухта ўйлаш билан шуғулланмоғимиз даркор. Ҳар бир ҳаракатимиз, ҳар бир ишимиз халқ манфаати билан боғлиқ бўлсин ва у реал ҳақиқатга айлансин.

Мен яқинда бўладиган Ўзбекистон Компартияси XXII съездини катта умидлар билан кутяпман. Бу анжуман олдингиларидан ўзининг жўшқинлиги, масалалар моҳиятига чуқур кириши, ҳам сиёсий, ҳам ташкилий жиҳатдан кескин фарқ қиладиган анжуман бўлишига ишончим комил. Жумҳуриятимиз иқтисодий мустақилликка эришаётган бир пайтда бу анжуманнинг мазмун моҳияти яна ҳам чуқур бўлмоғи керак.

Очиғи, халқимизнинг севинчидан кўра ташвиши кўпроқ, оромидан кўра заҳмати мўлроқ. Адолатсизлик, расмиятчилик, буйруқбозлик, нарх-навонинг номутаносиблиги, ишни ташкил қилишдаги камчиликлар — бари-бари халқ қалбига оғир дард бўлиб санчилмоқда. Энди партия обрўсини тиклашимиз керак бўлса, ким бўлиб, қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар ҳар бир коммунист халқ билан ёнма-ён турсин, унинг ташвишига шерик бўлсин. Партия халқ учун яшайди ва халқ учун хизмат қилади, деган ақида ҳақиқатга айлансин.

Съезд чинакамига эътиқод кўригига айланади, деб умид қиламан. Чунки сафимизда эътиқодсизлар ҳам бор. Партия билетини ёнида олиб юриб, унга қарши ҳаракатлар билан шуғулланаётганлар ҳам йўқ эмас. Биз ўз эътиқодимизни, имонимизни ғалвирдан ўтказиб, ўз сафимизни тозалаш билан мустаҳкамлаб бормоғимиз зарур.

Зебо РАЖАБОВА,
Вобкент район партия комитети аъзоси, В. И. Ленин номли мактаб бошланғич партия ташкилоти секретари.

• Съезд минбарига

ДАВР ТАЛАБИ

Мамлакатимизда дунё эркин бозорига чиқиш, иқтисодиётни соғломлаштириш ва ўз-ўзини қайта қуриш тўғрисида дабдабали гаплар кўпроқ бўлмоқда. Ифодали қилиб айтганда, «пойдеворни қурмасдан туриб уй тикламоқчимиз». Шундай экан кекса авлод ўз-ўзини қайта қуриши осонми ёки ёш авлодни янги руҳда тарбиялаш осонми?

Менимча, сабр-матонатимизни йиғиб ёш авлодни янги руҳда тарбиялашга кучимизни сарфласак, 10—15 йил ичида ўз мевасини беради.

Жумҳуриятимизда илмга бўлган муносабат, яъни қизиқиш жуда паст. Бу муаммони ҳал қилишда илмга бўлган муносабатни мактабдан ўзгартириш керак. Бунинг учун жумҳуриятимизнинг ҳар бир шаҳар, район ва қишлоғи ўзларининг қобилиятли кадрларини танлаб, тарбиялаши керак. Бу масалада қуйидагича иш юритишни таклиф қилмоқчи эдим: биринчидан, жумҳуриятимиздаги ҳар бир шаҳар, район учун аҳолининг ўсиб бориш ва иш билан таъминланишларини назарда тутиб, керакли ихтисосликлар бўйича мутахассисликлар сонини аниқлаш;

иккинчидан, жумҳуриятимиздаги барча ўқув юртларидаги имкониятларни назарда тутиб, ҳар бир шаҳардан ва райондан танлаб олиш учун керак бўлган умумий кадрлар сонини аниқлаш;

учинчидан, керак бўлган кадрлар сонини олий ўқув юртларига имтиҳонсиз киришини таъминлаш мақсадида ҳар бир шаҳардан ва райондан қобилиятли кадрларни танлаб олиш лозим.

Бунинг учун шаҳарлар ва районлар миқёсида олимпиадалар ёки синовлар ўтказишни амалга ошириш керак. Чунки шаҳарлар ва районларда синов ўтказилганда қайси мактаблардан қобилиятли кадрларни кўпроқ ўтиши ва ўтмаслиги мактаблардаги педагог коллективининг савияларини белгилаб беради ва уларнинг масъулиятини ошириб, рақобат курашига чорлайди. Юқори малакали мутахассислар тайёрлашни назарда тутсак 8 йиллик ўқишни мажбурий қилиб, қолган икки йилида ўқувчиларнинг хоҳиш ва истеъдодларига қараб эътиборни махсус йўналишларга қаратиш керак.

Кейинги пайтларда матбуотда институтларнинг баъзи бир мактаблар билан шартномалар тузиб, ўша мактаблардан кўпроқ қобилиятли ўқувчиларни қабул қилиш масалалари кўрилмоқда.

Бу масала бир томонлама тўғридек кўринади. Лекин ўша ўқувчилар институтни битириб чиққанидан кейин районларга ва қишлоқларга ишга боришларига кимлар кафолат беради?

Ўйлайманки, Ўзбекистон Компартияси XXII съездида бу муаммоларга эътибор берилади.

А. ИЎЛДОШЕВ,
ЎзССР Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти лабораторияси мудири, техника фанлари номзоди.

ДЕҲҚОН ШИЖОАТИ

Усмон Юсупов районидаги Ульянов номли совхоз деҳқонлари бу йил пахта майдонларини 300 гектарга камайтиришди. Пахтадан бўшаган майдонларда сабзавот, мева, озуқа экинлари етиштирилмоқда. Маккажўхори майдонлари эса 60 гектарга кенгайиб, жами 180 гектарни ташкил этади. Совхоз деҳқонлари айни кунларда КПССнинг бўлажак XXVIII съезди шарафига меҳнат беллашувини авж олдириб юборишди.

Суратда: маккажўхорикорларнинг оилавий бригадаси— (чапдан ўнгга) ака-ука Бобоқул, Аслон ва Чори Қаршиев. лар. Улар 40 гектар майдондаги маккажўхори ниҳолларига ишлов бермоқдалар.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат (ЎзТАГ).

ГАЗ КОНИДА ТАЖРИБА

● Шўртан газ конининг тажрибали пармалаш устаси С. Саркенов бошлиқ бригадаси коллективи янги бир тажрибани қўллади.

Бош инженер А. Омонов таклифига кўра қувурни цементлаш ва сув ҳайдаш жараёнини такомиллашган У-8-6М маркали насос билан биринчи марта бошқаришди. Натижа кутилганидан ҳам яхши бўлиб чиқди. Илгарилари худди шу жараён 13 та агрегат ёрдамида амалга оширилар эди. Эндиликда бундай ишларни биргина насос билан ҳам уддалаш мумкин.

Тажрибанинг муваффақиятли чиқишида А. Омонов, Р. Досанов, Д. Шаҳриев сингари ишчи ва инженер-техник ходимлар жонбозлик кўрсатишди.

Ҳозир Саркенов бошлиқ пармаловчилар бригадасидаги янги тажрибадан бошқа участкалардаги газ қудуқларида ҳам фойдаланилмоқда.

Э. ТОЖИЕВ,
Қашқадарё области.

ТЕЖАМКОР

● Қўқондаги 10-автобус паркида ўз касбининг усталари анчагина. Шулардан бири Турсунбой Эргашев.

У қарийб 35 йилдан буён автобус рулини бошқариб, «Қўқон — Ленинобод» маршрутидаги йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиб келади.

Тажрибали ҳайдовчи куни кеча беш йиллик план топшириқларини 120,4 фоизга уддалаб, пешқадамликни қўлга киритди. У ўтган давр ичида 110710 сўмлик иш бажарди, олтита автошина ва 42714 литр дизель ёнилгисини тежаб қолди.

Корхонада М. Анваров, А. Орипов, О. Хўжаев сингари ҳайдовчилар Турсунбойнинг изидан бориб, тежамкорликка эришишга ҳаракат қиляпти. Айни кунларда уларнинг кўпчилиги шу йилнинг учинчи квартали ҳисобига, илғор ҳайдовчилар Т. Эргашев ва М. Абдураҳмоновлар эса 1991 йилнинг биринчи квартали ҳисобига меҳнат қилишяпти.

У. МУҲАМЕДОВ,
Фарғона области.

СССР Олий Совети палаталарининг 14 майдаги қўшма мажлисида раислик қилувчи А. И. Лукьянов, шубҳасиз, пенсиялар тўғрисидаги Қонун лойиҳасини кўриб чиқишни бугун тугаллашга аҳду паймонни билдириб, депутатларнинг умумий кайфиятини ифодалади. Миллионлаб совет кишилари бу Қонуннинг қабул қилинишини катта умид билан кутмоқдалар.

Қонун лойиҳасининг 54-, 64-моддалари — кўп йил хизмат қилганлиги учун пенсия тўғрисидаги энг «қийин» моддалар энг охирида муҳокама қилинди. Биринчи бўлиб сўзга чиққан Иттифоқ Совети меҳнат, нарх-наво ва ижтимоий сиёсат масалалари комиссиясининг раиси Н. Н. Гриценко нутқи мунозаранинг ўткир тусда бўлишини белгилаб берди. Асосий қийинчилик шундан иборат эдики, депутатларнинг таклифлари, ҳукуматнинг нуқтаи назари ва ВЦСПСнинг фикридан иборат уч хил фикр юзасидан ҳаммага мақбул бўладиган оқилона келишувни топиш лозим эди. Худди шундай қилиш учун, деди Николай Николаевич, комиссия якшанбада ҳам куни билан ишлади.

Мунозаралар учувчиларга хизмат йилларини ҳисоблаб чиқиш, авиация диспетчерларига, граждан авиацияси инженер-техниклар таркибига пенсия ёшини камайтириш ва пенсия тайинлаш учун иш стажини қисқартириш, бортпроводниклар учун пенсия тайинлашда хизмат муддатининг амалдаги шартларини сақлаб қолиш ҳақида борди, Денгиз ва дарё флоти кемалари, балиқ саноатининг кемаларда сузиб юрувчи ходимларининг пенсияга чиқиш шартлари ҳақида таклифлар ҳам киритилди. Депутат А. М. Оболенский маориф ходимларининг кўп йил хизмат қилганлиги учун пенсияга чиқишининг амалдаги тартибини сақлаб қолишни қизғин ҳимоя қилди.

Бундан ташқари парламент аъзолари Қонун қабул қилиниши муносабати билан олдин тайинланган пенсияларни қайта ҳисоблаб чиқиш муаммосини ҳал этишлари лозим эди. Бу эса ҳукуматдан давлат хазинасини тўлдиришнинг янги манбаларини топишни талаб қилиши биз, ватандошлар учун равшан, бу маблағни қандай ишлаб топиш мумкин? Ҳаммани бошқа масала — пенсиялар тўғрисидаги Қонунни қачондан кучга киритиш кераклиги ҳам қизиқтиради. Депутатларга СССР молия министри В. С. Павловнинг бу хусусдаги мактуби тарқатилган эди. Ҳукумат ҳаммасини беш йил ичида ҳал қилишни таклиф этмоқда. Лекин депутатлар Қонунни 1993 йилда узилкесил жорий этишни таклиф қилмоқдалар.

Бу моддаларга тузатишларни кўриб чиқиш жуда қийинчилик билан ўтди. Раислик қилувчи нотиқларни бир неча бор парламент одобига риоя қилишга чақирди. Ҳис-туйғулар баъзан тошиб кетди, ҳукуматни айблайдиган гаплар ҳам айтилди, депутатлардан бирининг назарида ҳукумат парламент аъзоларининг барча тузатишларига қарши чиқмоқда, 60-моддага қирғизистонлик депутат таклиф қилган тузатишни муҳокама қилиш чоғида эҳтиросларавжига чиқди, депутат баланд тоғ яйловларида, саҳроларда ва сувсиз районларда ишлайдиган чўпонларни кўп йил хизмат қилганлиги учун пенсия ҳуқуқига эга бўлган ходимлар рўйхатига киритишни таклиф қилган эди. Бу хусусий ҳолдек туюлади, ундай эмас! Бу масалани ҳал этиш учун бир соатдан кўпроқ вақт кетди.

Худди шу эпизодда айрим депутатлардаги вужудга келадиган барча муаммоларни фақат Иттифоқ даражасида ҳал этиш тенденцияси кўзгудагидек акс этди. Ҳозир эса, бизнингча, масалани бошқача қўйиш керак. Чунки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, солиқлар тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши кўпгина масалаларни, шу жумладан жойлардаги пенсия билан боғлиқ масалаларни ҳал этишни анча енгиллаштирди. Бинобарин, кўпгина нотиқлар ҳақли равишда таъкидлаганларидек, ҳал этилган масала устида бош қотирмаслик керак. Фақат бунисини ўзимиз ҳал қилишимиз мумкин, бу масалани эса Иттифоқ миқёсида ҳал қилишимиз керак, деб аниқ фарқлай билиш зарур.

Овоз бериш чоғида киритган депутатларнинг ачиниш-ларини тушуниш мумкин. Мамлакатдаги ҳар бир гражданнинг манфаатларига бевосита дахлли бу Қонуннинг баҳоси жуда қиммат. Мунозарадаги қизиқ-қонликнинг ҳам, қаттиқ гапларнинг ҳам, бошқа камчиликларнинг ҳам сабаби шу бўлса керак. Парламент гоҳ-гоҳда ўтиб кетган даврга қайтгандек бўлди. У ёки бу жиҳатларни қайтадан кўриб чиқишга қатъий даъватлар бир эмас, бир неча бор эшитилди. Масалан, бортпроводник бўлиб ишлайдиган аёллар (эркаклар тилга олингани йўқ) учун пенсия тайинлаш ёшини ҳисоблашга тааллуқли банд хусусида худди шундай бўлди. Чунки янги Қонун лойиҳасида ҳукумат стюардессалар ва стюардлар имтиёзини кучайтирмайдиган, балки бу имтиёзни камайтирадиган ёзувни таклиф қилган эди. Эҳтиросларавж олиб кетгач, шу вақтда раислик қилаётган И. Д. Лаптев навбатдаги — 64-моддага ўтишни таклиф қилди, бундан олдинги келишмовчиликларни манфаатдор томонлар танаффус вақтида муҳокама қилишини тавсия этди.

Кечқурунги мажлисда бевосита озиқ-овқат етиштириш билан банд бўлган қишлоқ механизаторларининг пенсияга чиқиш шартлари хусусидаги мунозаралар яна бошланди. Яна янгидан овозга қўйилди, палаталар бўйича овоз бериш натижалари ўзаро келишилган позицияни ишлаб чиқишни зарурат қилиб қўйди. Стюардессалар тўғрисидаги масала эса уларнинг фойдасига ҳал бўлди.

Раислик қилувчи ибораси билан айтганда СССРдаги гражданларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг бутун матни овозга қўйиб бўлинди. Яна бир неча моддаларни пухталаштириш зарурлиги муносабати билан Қонунни узилкесил қабул қилиш тағин кечиктирилди.

Яна бир тафсилот: бугун палаталарнинг мажлислар залига биринчи марта ССР Иттифоқи Давлат байроғи ўрнатилди.

Миллатлар Совети кунининг охирида «СССР Президенти шани ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди, бу Қонун шанба куни Иттифоқ Совети томонидан маъқулланган эди.

15 май куни сессия палаталарнинг қўшма мажлисида ишни давом эттирди.

(ТАСС).

БАҲСДАН — КЕЛИШУВГА

СССР Олий Советининг учинчи сессиясида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони

ЛАТВИЯ ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ «ЛАТВИЯ РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТИКЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ БАЁНОТИ ҲАҚИДА

Латвия ССР Олий Совети 1990 йил 4 майда «Латвия Республикасининг мустақиллигини тиклаш тўғрисида» баёнот қабул қилди. Унда Латвия сейминнинг Латвиянинг СССР таркибига кириши тўғрисидаги 1940 йил 21 июль баёноти қонуний кучга эга эмас, деб эълон қилинади. Айни вақтда Латвия Республикаси 1922 йилги Конституциясининг бир қанча моддалари қайтадан кучга киритилганлиги айтилади.

Ушбу баёнотни Латвия ССР Олий Совети СССР Конституциясининг 70, 71, 73 ва 75-моддаларига, шунингдек «Иттифоқдош республиканинг СССРдан чиқиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги 1990 йил 3 апрель СССР қонунига хилоф равишда қабул қилди. У Совет федерацияси, ССР Иттифоқи бошқа субъектларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларига зиддир. Бу баёнотни қабул этиш пайтида Латвия ССРнинг Конституцияси ҳам бузилди. Унда, жумладан, республиканинг ССР Иттифоқи таркибидан чиқиши тўғрисида референдум ўтказиш кўзда тутилган.

СССР Конституцияси 127-3 моддасининг 1 ва 2-бандлари, 74 ва 173-моддалари асосида **қарор қиламан:**

Латвия ССР Олий Советининг «Латвия Республикасининг мустақиллигини тиклаш тўғрисида»ги 1990 йил 4 май баёноти қабул этилган пайтдан бошлаб ҳуқуқий кучга эга эмас, деб эълон қилинсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 14 май.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони

ЭСТОНИЯ ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИ ҲАҚИҚИЙ «ЭСТОНИЯНИНГ ДАВЛАТ МАҚОМИ ЭМАС, ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИШ ҲАҚИДА

Эстония ССР Олий Совети бир ёқлама тарзда, республика халқи билан маслаҳатлашмай, ССР Иттифоқида вужудга келган иқтисодий, сиёсий, маданий ва ҳуқуқий алоқаларни писанд қилмай, 1990 йил 30 март куни «Эстониянинг давлат мақоми тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарорда ССР Иттифоқининг Эстониядаги давлат ҳокимияти қонуний эмас, деб айтилган. Шу тарика СССР Конституциясининг 2, 70, 71, 73 ва 75-моддалари, «Иттифоқдош республиканинг СССРдан чиқиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги СССР қонуни бузилган.

СССР Конституцияси 127-3 моддаси 1 ва 2-бандлари, 74 ва 173-моддалари асосида **қарор қиламан:**

1. Эстония ССР Олий Советининг «Эстониянинг давлат мақоми тўғрисида»ги 1990 йил 30 март қарори қабул этилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмас, деб эълон қилинсин.

2. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳамда гражданларнинг мазкур қарор асосида амалга оширадиган ҳар қандай ҳаракатлари ғайриқонуний, деб ҳисоблансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 14 май.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан

ОДАМЛАР ТАШВИШИДА

(Партком котиби қиёфасига чизгилар)

ОЛИМЖОН ХЎЖАЕВ цех бошланғич партия ташкилоти котиби қилиб сайланган куннинг эртасигаёқ ишни ўн беш чоғли партия аъзосининг ҳар бири билан дилдан суҳбатлашишдан бошлади. Уларнинг мақсадлари, ўй-фикрлари, ташвишларини билди. Ана шунга қараб, у коммунистларга партия топшириқлари берди. Котиблик фаолиятида бу борада шундай тартибга доимо амал қилди.

Мафкура ишлари бўйича ўринбосари, ёши анча катта, кўп ташкилотларда ишлаб — ҳам ҳаётда, ҳам жамоат ишларида тажриба орттирган Геннадий Гаврилович Литвинов билан ҳар бир қарор ёки муҳим тадбирни биргаликда, келишиб тайёрлайдиган ва кейингина қабул қиладиган бўлишди. Сиёсий-тарбиявий, ташкилий-партиявий ишларни бамаслаҳат олиб боришди. Ундан кўп нарса ўрганди. Олимжон котиблиги даврида бажариб бўлмайдиган қарор қабул қилиниши, тадбир белгиланишидан қочди. Коммунистларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билан амалга оширса бўладиган ишларни режалаштирди. Шу ёзилмаган қоидага ҳамиша амал қилишга интилди...

...Шунга ҳам мана, беш йилча вақт ўтибди. Биров ундан: «Оғайни, шу котиблигинг сенга нима берди?», деб сўрайдиган бўлса: «Кўп нарса берди», деб айтса айтгулик ишлари бор. Зеро, у аввало одамларнинг ўзидан одамийликни ўрганди. Қолаверса, у истаса-истамаса кишилар қалбига қулоқ солишга, кўпнинг дардини эшитишга, кези келганда яшаш, оилавий шароитларини ўрганишга, уларга ёрдам беришга бурчли эди.

Масалан, кечагина унга ўз хизмат бўлинмасидаги бошқа икки бўлимнинг ишчилари қонуний мукофотларини олишда кўмаклашишини сўраб мурожаат қилишди. Касаба уюшмаси раиси Машраб Маъмуров билан гоҳ маъмурият, гоҳ меҳнатга ҳақ тўлаш бўлими ва бухгалтерияга елиб-югуриб ишчиларнинг ўтган йил якуни бўйича чиқариладиган қонуний мукофотларини ундириб беришди. Ишчиларнинг қувончига шерик бўлишди.

Одамларга ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишда кўмаклашиш, уларга ўргатиш, айрим кишилар билан эса жиддийроқ гаплашиш зарурати туфайли ўз сиёсий билим савиясини ошириш, идрокини бойитиб боришга тўғри келди. Жамоа аъзолари ишончини оқлаш, масъулиятни ҳис этиш лозим эди ва буни уддалай олди ҳам...

...Олимжон тўртинчи апрель куни эрталаб ўрнидан туриб, апил-тапил ювиниб, чой ичган бўлди. Кийиниб, бўйинбоғ тақиб, бошига дўппи кийди.

— Намунча ясанмасангиз? — гап қотди уни зимдан кузатаётган турмуш ўртоғи Гулбаҳор.

— Гулбаҳорхон, бугун бир амаллаб Нодирбекни боғчага ўзингиз олиб борарсиз. Ахир у энди кичкина эмас — олти ёшда. Мен шошиб турибман, бугун заводимиз партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши.

— Ҳали жуда эрта-ю, Нигорани мактабга ташлаб кетақолинг, бўлмаса.

— Мактаб икки қадам, биринчи синф ўқувчисини бундан буён етаклаб юриш ҳам шарт эмас. Мен бугун йиғилишда сўзга чиқмоқчиман, эртароқ бориб тайёрланишим керак.

— Ҳа, майли, амалларман. Тезроқ борақолинг унда, — деди рафиқаси.

Иқтисодчи-муҳандислик касбига меҳр қўйганига, Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаб, шу касбни эгаллаганига ва унинг орқасидан оила тебратаётганига Олимжон ҳеч ҳам афсусланмайди. Бироқ хизмат тақозоси, айниқса, котиблик сингари жамоатчилик ишлари билан бўлиб, уйдан эрта чиқиб кетиб, кеч келиши, хотинига уйрўзғор ишларида кўпроқ қараша олмаётганидан кўпинча ўзи хижолат тортиб кетади...

У мажлислар залига кириб келганида йиғилиш бошланишига ҳали бир оз вақт бор эди. Ўтириб, ўйланиб, бўлажак сўзининг тезисларини қоғозга тушириб олгунича коммунистлар тўпланиб бўлишди.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши бошланди. Кун тартиби белгиланиб, маърузачига сўз берилди: «Алгоритм» электрон-ҳисоблаш машиналари заводи партия комитетининг котиби вазифасини бажарувчи Е. Трохимович партия комитетининг 1988 йил декабридан 1990 йил март ойигача бўлган давр учун ҳисобот докладини қисқа — бор йўғи 15 минутда тамомлади. Кўпчилик бундан ажабланишди.

— Наҳотки, шу давр ичида қилинган ишларни танқидий нуқтаи назардан чуқурроқ таҳлил қилиш мумкин бўлмаса, — ўйлади Олимжон. Музокараларда икки-уч киши сўзга чиққач, чидаб туролмади. Сўз беришларини сўради:

— Аввало, котиб вазифасини бажарувчи партия комитети аъзоси нега бунчалик қисқа ҳисоб берди? У ўз фаолияти ҳақида тўхталмади. Қолаверса, парткомнинг бошқа аъзолари ҳисобот докладини тўлдиришлари, бевосита ўз ишлари ҳақида ҳам ҳисоб беришлари мумкин ва лозим эди. Партия комитетининг ҳисобот давридаги энг катта камчилиги унинг бошланғич ташкилотларда, одамлар орасида кам бўлганлигидадир. Бирорта ҳам бошланғич партия ташкилотининг фаолияти партком мажлиси ёки завод коммунистларининг йиғилишида кўрилмагани ҳам буни исботлаб турибди.

Бундан буён биз кўп партиялик шароитига кўникишимиз, норасмий ташкилотлар билан ҳам ҳисоблашишимиз, комсомол, касаба уюшмаси ва бошқа жамоат ташкилотларига тазйиқ ўтказмай, балки улар билан бамаслаҳат, ҳамкорликда ишлашимиз керак. Сўзга чиққан айрим нотиқларнинг ишлаб чиқариш билан партиявий ишларни бутунлай ажратиш керак, деган фикрига қўшилмайман. Биз заводдаги 300 дан ортиқ коммунистнинг фаолияти орқали ишлаб чиқаришга партиявий таъсирни кучайтиришимиз лозим...

Ҳисобот-сайлов йиғилиши жуда қизғин ўтди. Коммунистлар партком аъзолари ва котибларини бир неча муқобил номзодлар кўрсатиб, ёпиқ-яширин овоз бериш йўли билан сайлашди. Завод коммунистлари Олимжон Хўжаевга ҳам катта ишонч билдириб, уни партком котибининг мафкура ишлари бўйича биринчи ўринбосари қилиб сайлашди...

...Завод дарвозасидан чиқаверишда уни дўстлари хайрихоҳлик билан табриклашди. Бироқ: — Партиянинг аҳволи оғир бир пайтда котиб бўлибсизда, Олимжон Саидович! Қалай бўларкин, ташкилотнинг обрўсини ошира олармиканисиз, — деб киноя қилувчилар ҳам бўлди.

— Сиздай азаматлардан ҳам умидимиз катта-да, ахир, — жавоб қилди у.

Ҳа, ҳозир партиянинг тақдири ҳал бўлаётган, унинг жамиятдаги ўрни ва роли, мавқеи аниқ белгилаб олинаётган пайт, ўйлади Олимжон. Демократия ва янгиланиш шароитида қандай партиялар ташкил топишидан қатъи назар КПССнинг ўз авангардлик мавқеини сақлаб қолишга қудрати етади. Зотан, унинг қарийб юз йиллик катта иш тажрибаси, бой анъаналари бор. Ҳозирги паллада эса бутун партияда ҳар бир коммунист, ҳар бир бошланғич ташкилотнинг ролини, фаолиятини ошириш керак. Бу борада заводда ҳал қилинадиган ишлар кўп. Завод партия комитетининг дастлабки мажлисларидаёқ бошланғич ташкилотлар ташаббускорлигини ошириш, кўп миллатли жамоада миллатлараро муносабатларни янада яхшилаш, бунинг учун завод матбуоти — кўп нусхали «Алгоритм» газетасидан кенгроқ фойдаланиб, унинг шакл ва мазмунини бойитиш масалаларини кўтариши керак бўлади. Бундан ташқари, «Ўзбекистон ССР нинг давлат тили ҳақида»ги қонуннинг ижроси ҳам қониқарсиз. Завод ҳовлисида ўзбек тилидаги шиор ва плакатлар, ёзувларни учратмайсиз. Бу ҳам мафкура ишларининг бўшлигидан далолат. 1-корпус партия ташкилотининг бўлажак партия съездларига тайёргарлик борасидаги иш тажрибасини, уларнинг КПССнинг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва янги Устави лойиҳаларини кенг муҳокама қилиш юзасидан ишини чуқур ўрганиб чиқиб, кенг ёйиш лозим. Завод партия комитетининг янги котибаси Нурия Қодирова боя унга бир таклифни айтаётган эди. У заводда очиқ партия йиғилиши ўтказиб, кун тартибига «Партиядаги қайта қуришнинг моҳиятини қандай тушунасиз?» ҳамда «Сиз Ўзбекистон Компартияси XXII съездидан нималарни кутасиз?» деган масалаларни қўйилса ва шу борада мунозара бўлса, деди. Бу жуда яхши таклиф. Чиндан ҳам, одамлар партия ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида, республика партия ташкилотининг фаолияти тўғрисида ўз шахсий мулоҳазаларини айтсинлар, таклифларини билдирсинлар. Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди қабул қиладиган қарорлар ҳам жумҳуриятимизда яшайдиган ҳар бир кишига бевосита дахлдордир. Шундай экан, биз бу съезд қандай масала ва муаммоларга кўпроқ эътиборни қаратиши кераклигини айтайлик, ундан нималарни кутишимизни олдиндан аниқ-равшан билдириб қўйайлик. Зеро, съезд қабул қиладиган қарорларнинг республикамиз бутун меҳнат аҳлига маъқул бўлиши, уларни бажонидил бажаришга киришиши бизнинг ҳозирги саъйи-ҳаракатларимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунингдек «Баҳс» мунозара клуби ташкил этиш, ана шу суҳбат ва мунозаралар чоғида ўзини кўпдан ўйлантириб юрган муҳим бир фикрни ҳам завод коммунистлари муҳокамасига ташлаш керак. Бу — «КПСС бошланғич ташкилоти мақоми ҳақида» ва «КПССнинг бошланғич ташкилоти иш тартиби тўғрисида»ги ҳужжатларни ишлаб чиқиш ғоясидир. Ҳозирги шароитда бундай ҳужжатлар бошланғич ташкилотга ва коммунистларга сув билан ҳаводек зарур...

Эртанги кунда Олимжон Хўжаев ва унинг маслакдошлари олдида ана шундай залворли вазифалар турибди...

Олим НАЗАРОВ.
Тошкент шаҳри.

Ҳамма жойда бўлгани каби Наманган область касаба уюшмалари Кенгаши қошидаги бошланғич партия ташкилотида ҳам КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва партия янги Устави лойиҳалари катта қизиқиш билан ўрганилмоқда, коммунистлар ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар.

Жамоатчи муҳбиримиз СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси О. ЖУМАНИЁЗОВ яқинда улардан бир группаси билан суҳбатлашди.

ҲАР БИР ФИКР ҚАДРЛИ

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳаларини ўқиб

П. БЕСШАПОШНИКОВ, ҳуқуқшунослик бўлими мудири: — КПСС Устави лойиҳасини амалдаги Уставга чоғиштирганда кўп янгиликлар борлигини сезиб олиш мумкин. Жумладан, **40 йил давомида КПСС аъзоси бўлганларга «Партия ветерани» деган фахрий ном берилиши таъкидланган.** Бу муддат менимча ҳаддан ташқари узоқ. Ахир, ишлаб чиқаришда узлуксиз 25 йил ишлаганлар «Меҳнат ветерани» деган фахрий ном оладилар-ку. Адолат билан айтганда Устав лойиҳасида кўрсатилган муддат етиб келгунича коммунистнинг ёши етмишга яқинлашиб қолади. Бу ана шундай иззат-ҳурмат гаштини узоқроқ суриш унга насиб этмайди, деган гап эмасми?

Мен бу муддат 25 йил қилиб белгиланишини таклиф қиламан. Қолаверса, пулнинг қадри кун сайин тушиб бораётган ҳозирги пайтда ҳар бир тийиннинг ўз ўрни бор. Бундан ташқари, касаба уюшмаси аъзолиги учун бадал ҳақи жами даромаднинг 1 фоизи бўлгани ҳолда партия аъзолиги бадали нима учун ғоят баланд қилиб белгиланган? Таклифим — **партияга аъзолик бадали ҳам даромаднинг бир фоизи атрофида белгиланиши керак.**

Р. МУҲАМЕДЖОНОВ, фан ва халқ маорифи ходимлари касаба уюшмалари область комитетининг секретари: — Устав ва Ҳаракат дастури лойиҳаларини кўздан кечирарканман, уларда кишини ўйлатиб қўядиган жиҳатлари ҳам бор. Чунончи, амалдаги Уставда ҳам, шунингдек, муҳокама учун тақдим этилган янги Устав лойиҳасида ҳам партия аъзолиги ҳеч кимга ҳеч қандай имтиёз бермайди, деб таъкидланган. Бундан партия ташкилоти ўз ҳисобида турувчи коммунистга нисбатан ҳеч қандай ғамхўрлик, меҳрибонлик кўрсатмайди, деган хулоса келиб чиқмайдими? Шунинг оқибатида қанчадан-қанча партия аъзолари ноҳақ ишдан бўшатилмоқда ва жабрланмоқда. Қамоққа олиниб бир неча йилдан сўнг ҳеч қандай жиноят содир қилмаган деб бутунлай оқланаётган кишилар қисмати фикримизга далил бўла олади. Партия ташкилотлари ана шундай мушкул аҳволга тушганларнинг биронтасини сақлаб қолишга уриниб ҳам кўрмай, уни оппа-осонлик билан ўз сафидан чиқариш ҳақида қарор қабул қилганларини қандай баҳолаш керак? Энди эса ҳеч гап бўлмагандай уларни қайтадан партия сафига қабул қилмоқдалар. **Мураккаб вазиятга тушган ҳалол ва соф виждонли коммунистни биринчи галда бошланғич партия ташкилоти ҳимоя қилмоғи, у фақат жазоловчи органга айланиб қолмаслиги, зарур пайтда коммунистга маънавий мадад бермоғи лозим.** Мен янги Устав ва Ҳаракат дастури лойиҳалари муҳокамаси жараёнида шу масала юзасидан жиддий тарзда мулоҳаза юритишни таклиф этаман. Шунингдек, мен ҳам Бесшапошниковнинг **партия аъзолиги бадалини жами даромаднинг бир фоизи миқдорида ҳисобланишини истайман.**

А. АБДУРАҲИМОВ, маданият ходимлари касаба уюшмалари область комитетининг секретари: — Биз — коммунистлар ҳар иккала ҳужжат лойиҳаларини муҳокама қилиш билан бугунги қийин шароитда партиянинг обрў-эътиборини сақлаб қола оламизми ёки йўқми, деган масалани ҳам ҳал этяпмиз. Шундай экан, Уставда ва Ҳаракат дастурида партия жипслиги ва мустаҳкамлигига хизмат қиладиган, унинг мавқеи кўтарилишига кўмаклашадиган қоидалар бехато ёритилиши зарур. Афсуски, бу ҳужжатларда анчагина ноаниқликларга йўл қўйилган. Масалан, партия Устави лойиҳасида партия сафига қабул қилинувчининг ўзи ишлаб турган коллективда неча йиллик меҳнат стажига эга бўлиши ва нечта тавсиянома олиши кераклиги кўрсатилмаган. Партия ветеранлари тақдири, уларга ғамхўрлик борасида ҳам юзаки гапирилган. Бутун умрини партия ғояларини амалга оширишга бағишлаган баъзи коммунистлар ҳозир беморлик тўшагида ётишибди. Мен **аъзолик бадалининг ярмини бошланғич партия ташкилотида қолдириш билан бирга, унинг маълум қисмини ёрдамга муҳтож коммунистларнинг моддий аҳволини яхшилаш учун сарфлашни таклиф қиламан.**

Ҳ. ЮСУПОВ, Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти область кенгашининг раиси: — Шу маҳалгача КПСС ички ҳаётидаги кўп жиҳатлар ўз аъзоларидан сир тутиб келинган эди. Масалан, тўпланган аъзолик бадаллари миқдори, унинг нималарга сарфланаётганлиги ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмасди. Энди эса ошкоралик ва демократия шароитида партия коммунистлар билан бамаслаҳат иш қилмоқда. Бу ҳам бўлса қайта қуриш ва янгиланиш меваси. Мен Ҳаракат дастури ва Устав лойиҳалари муҳокамасидан фойдаланиб шундай таклифни айтмоқчиман: **Ҳар йили камида бир марта бўлса ҳам партия Марказий Комитетидан бошланғич ташкилотгача партия бюджетидаги маблағ ва унинг нималарга ҳаражат қилинаётгани ҳақида ахборот ёки ҳисобот бериб борилишини йўлга қўйиш зарур.**

В. ЛАНКОВ, қурувчилар касаба уюшмалари область комитетининг раиси — КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури хўжалик масалаларига оид сўзлар билан ҳаддан ташқари чўзиб юборилган. Марказий Комитет февраль Пленумида ҳар ким ўз иши билан шуғулланиши керак, хўжалик вазифалари тегишли ташкилотларга топширилиб, партия органларининг асосий вазифаси сиёсат юритишдан иборат бўлиб қолмоғи лозим, деб таъкидланди. Зеро, В. И. Ленин партиявий иш ижрони текшириш ва кадрлар билан ишлашдир, деб айтган эди. Шундай экан, Марказий Комитет Ҳаракат дастури ҳам ана шу қоидалардан келиб чиқиб тайёрланиши зарур.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ЯНГИ СТАН

● Олмалиқ кон-металлургия комбинатига қарашли мис эритиш заводи эритиш-прокат цехининг коллективи тақчил маҳсулот — чивиқ ишлаб чиқара бошлади. Бу ерда қудратли стан фойдаланишга топширилди.

Мис қуювчилар илгари ҳам чивиқ тайёрлашарди. Лекин кам қувватли стан, эскириб қолган технология уни юқори сифатли қилиб тайёрлаш имконини бермасди. Сифатсиз маҳсулот чиқарилар, коллектив эса миллионлаб сўм йўқотарди. Ёрдам сўраб Иттифоқ министрлигига мурожаат қилишдан наф бўлмади. Янги иқтисодий муносабатлар олмалиқликларга бу мураккаб вазиятдан чиқиш йўлини кўрсатди.

Улар зарур қурилмалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган олмаоталик машинасозлар билан амалий ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида келишиб олдилар. Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг коллективи Сибирдаги бир қанча алюминий заводлари учун қозоғистонликлар планига киритилган эҳтиёт қисмлар тайёрлашни ўз зиммасига олди. Олмаоталик ишчилар бунинг эвазига графикдан ташқари стан тайёрлаб бериш мажбуриятини олдилар. Томонлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

(ЎзТАГ).

ШОГИРДНИНГ БУГУНГИ ҒАЙРАТИ

Ҳусан Ҳошимов — «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида туп қўйиш палак ёзган ишчиларнинг бир вакили. Корхонага шогирд бўлиб келиб, уста ишчилардан токарлик сир-асрорларини пухта ўрганди. Ўзи ҳам кўплаб шогирдлар тайёрлаб, эъзозли мураббийлар қаторидан ўрин олди.

Бугунги кунда Ҳусан Ҳошимов — пахта териш машиналарига вал ва кўп тишли деталлар тайёрловчи 3-цех бошлиғининг ўринбосари. II ва III даража Меҳнат Шуҳрати орденларининг нишондори. Лавозимдорман деб буйруқ бериб ўтиришни хуш кўрмайди. Кўп вақтини иш участкаларида ўтказади. Ёш ишчиларга тегишли ёрдам, йўл-йўриқлар бериб туришни бурчи деб ҳисоблайди.

— Цехимиз жамоаси Ўзбекистон Компартиясининг бўлажак XXII съезди шарафига олган мажбуриятларини адо этиш учун қизғин курашяпти, — дейди Ҳусан. — Биз деталларни қанчалик сифатли тайёрласак, терим агрегатлари шунчалик пухта, узоқ муддат ишлатилади. Съездолди мусобақасида сифат талабларига алоҳида эътибор беряпмиз.

Суратда: Ҳ. Ҳошимов ва токарлар бригадири. В. Матусов.

Ҳ. ҚОСИМОВ.

Р. ШАРИПОВ суратлари.

ОРОЛНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ ИШЛАРИНИНГ БОРИШИ — „СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ" ОТАЛИҒИДА

АРАФА

Яқин кунлар ичида Туямўйиннинг тозаланган суви Нукусга етиб боради

⊙ Ичимлик тоза сув—жон озиғи. Орол атрофи ҳудудининг аҳолиси шундан қийналмоқда. Бундан икки йил аввал — 1988 йили КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Оролбўйи аҳолиси танг аҳволини ўнглаш вазифалари юзасидан махсус қарор қабул қилганда, дастлаб аҳолини ичимлик тоза сув билан таъминлашни кўзда тутди.

ШУ муддат ичида Туямўйин—Нукус сув ўтказгич (водопроводи) тармоқлари барпо этилди. Қарийб 250 километр масофага чўзилган бу замонавий иншоот участкаларида қийин табиий-иқлим шароитларида қизғин иш олиб борилди. Бугунги кунда асосий ишлар тугалланди.

Ҳозир сув ўтказгич —улкан қувурга Туямўйин сунъий денгизининг зилол суви буриб юборилди. Сув махсус тозалагич қурилмалар ёрдамида бегона аралашмалардан ҳалос этилиб, бир неча кундирки қувур бўйлаб Нукус томон оқизилмоқда. Тўғри, ҳозирча Нукус шаҳрига қувур орқали келаётган сув тоза эмас, қувур ичидаги тупроқ, занг ва бошқа нарсаларга аралашган сув келиб турибди. Сув ҳозирча дарё ўзанига ташлаб қўйилибди.

Мутахассисларнинг фикрича, келаётган сув тобора тиниқлашиб боряпти. Орадан саноқли кунлар ўтиб, Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти пойтахти хонадонлари аҳолиси тоза ичимлик сувдан баҳраманд бўлади.

Биз Қорақалпоғистон пойтахти аҳолиси тоза ичимлик сувдан баҳраманд бўлиши арафасида шу муборак ишнинг тепасида турган мутасадди ўртоқлардан уч нафари билан суҳбат қилдик.

Е. ТАТИБОЕВ, — Туямўйин-Нукус сув ўтказгич тармоғи директори: —Ичимлик сув ўтказиш тармоғини ишга туширишнинг тўлдирилиб, бошланғич муддат бой берилди. Бунинг сабаблари кўп. Лекин сув етказиб келишнинг дастлабки муддати барбод этилганлиги бизга катта сабоқ бўлди. Аҳвол чуқур таҳлил этилиб, тегишли тарзда қаттиқ чоралар кўришга тўғри келди. Шундай чора-тадбирлар туфайли сув ўтказгич тармоғи қурилишида жиддий ўзгариш юз берди.

Бу ўзгаришни айрим рақамлар билан тушунтиришни лозим кўраман. Яъни 1990 йил март ойида пландаги 947,7 минг ўрнига 1687,3 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари адо этилди. Бошқача айтганда, план 178 фоиз бажарилди. Бажарса бўларкан-ку, дегувчилар топилади. Гап шундаки, Ўзбекистон жумҳурияти Давлат моддий-техника таъминоти комитети, Қорақалпоғистон партия, совет, хўжалик ташкилотлари сув ўтказиш қувури тармоғи қурилиши масалалари билан қаттиқ шуғулландилар. Иттифоқ ҳукумати олдига таъминот борасида жиддий масалалар қўйилди. Кўп ҳолларда зарур масалалар вақтида ҳал қилиниб турди.

Бироқ бу — таъминотдаги масалаларнинг ҳаммаси тўла ҳал этилди, деган гап эмас. Тўғри, сув етказиб келиш участкаларидаги асосий қурилиш-монтаж ишлари поёнига етказилди. Аммо қурилиш учун зарур ускуналар ва бошқа ресурслар билан таъминлашда ҳамон жиддий қолоқликка йўл қўйилмоқда. Масалан, телефон алоқаси тармоғини қуриш ишларини бошлашга ҳамон имкон йўқ. Зарур бўлиб турган махсус кабеллардан 3,6 километри вақтида етказиб берилмаяпти. «2-Нукус» сув тақсимлагич узели майдонидаги ишлар тугалланмаган.

ШАРҲ: Қурилиш-монтаж ишлари плани март ойида 178 фоиз бажарилгани яхши. Бироқ моддий-техника таъминотидаги ўзгариш ҳамон кўнгилни тўлдирмаётгани кишида таажжуб уйғотади. Шундай дейишимизга асос бор. Сунъий денгиз сувини кўтариб берувчи биринчи насос станциясидаги ёритиш мачталарининг ўрнатилиши қийинчилик билан амалга оширилди. Иншоотни ишга туширишнинг учун зарур назорат-ўлчов ва автоматика қурилмалари жамламаси тиғиз муддатларда етказиб берилди, вақтида созланди. Лекин моддий-техника таъминоти идоралари кўзга кўринадиган ишларга зўр бердилар-у, ёритиш анжомлари, алоқа кабеллари етказиб беришда етарли қатъият кўрсатмадилар. Бу эса ичимлик сув ўтказиш иншооти фойдаланишга топширилганидан кейин ҳам чала ишларни тугаллаш учун овора бўлиб қолишга сабаб бўлмоқда.

Халқона таъбирни унутмаслик керак: қолган ишга қор ёғади.

Б. БЕКТУРДИЕВ, «Аралсельхозводопроводстрой» лойиҳа-қурилиш бирлашмаси бошлиғи: — Бирлашмамиз жамоаси Нукусга етказиб берилган сувни Чимбой-Тахтакўпир ва Тахиатош — Қўнғирот тармоғини бунёд этиш билан қишлоқ аҳолиси яшаш жойларига ичимлик сув тақсимлашга даъват этилган. Бизнинг буюртмачимиз — «Аралводстрой» махсус қурилиш ишлари бирлашмаси бўлиб, зиммамиздаги юмушларни ҳамкорликда рўёбга чиқарамиз.

Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш юзасидан мухтор жумҳурият ҳукумати тасдиқлаган планга кўра, бу йил салкам 40 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши, 800 километр узунликда сув эл тиш қувури ётқизилиши, фойдаланишга топширилиши лозим. Ишларнинг бориши дуруст. Қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ўтган йилга нисбатан қарийб 4 баравар ортиши, уларни топшириш 8 баравар тезлаштирилиши муносабати билан бирлашма жамоаси олдида қатор муаммолар пайдо бўлди.

Биринчи муаммо шуки, лойиҳа-смета ҳужжатлари етказиб беришда сусткашликка йўл қўйилмоқда. 15 апрелдаги маълумотга мувофиқ, «Аралводстрой» бирлашмасининг 1-ДСП ташкилоти бизни 20 миллион сўмлик лойиҳа-смета ҳужжатлари ва маблағ билан таъминлади. Бу 300 километр узунликдаги сув ўтказиш тармоқларини барпо этишга етади, холос. Аслида эса қурилиш ишларини олиб бориш муддатига қараб 60—70 миллион сўмлик лойиҳа-смета ҳужжатлари олишимиз керак. Иккинчи ва учинчи муаммолар қурилиш ишлари олиб борилиши учун база яратишдаги сусткашлик, фондлар ажратишдаги боқибеғамликдан иборат.

Биз қишлоқ аҳолисини эртароқ тоза ичимлик сув билан таъминлашимиз учун юқорида таъкидланган масалалар ҳал этилиши керак.

ШАРҲ: Бу йил «Аралсельхозводопроводстрой» бирлашмаси 110 та сув тиндиргич қурилмани ўрнатиб, созлаб бериши керак. Ускуналар олинган. Ишлар бошлаб юборилди. Тиндиргич ускуналар ўрнатиб бўлинишига шубҳа йўқ. Ишларнинг бориши шундан далолат беряпти. Биринчи кварталда бирлашма 3 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди. 32 километр узунликда сув ўтказиш тармоқлари бунёд қилинди. Бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам ишларнинг бориши яхши.

Бироқ бу сурьат бирлашма ишчи-мутахассисларини қаноатлантирмаяпти. Лойиҳа-смета ҳужжатлари вақтида етказиб берилса, фондлар пешма-пеш ажратилиб турса, қурилиш базаси мустаҳкамланиб борса, қишлоққа сув етказиб берувчилар иши янада жадаллашган бўлур эди. Лоақал биргина мисолни таъкидлаб ўтиш лозим. «Аралводстрой» бу йил 7 та қурилиш базаси яратишни белгилаган-у, лекин 6 базада ҳали иш бошланмаган.

Буюртмачи фаолиятидаги бундай қусур ижрочи — «Аралсельхозводопроводстрой» бирлашмаси оёғига кишан бўлиб турибди. Ахир Туямўйин суви Нукусга етиб келди-ку, яна нимани кутишяпти ўзи!

Қ. ДОШУМБОЕВ, Қорақалпоғистон вилоят партия комитети иқтисодий бўлими мудири: — Сув ўтказиш тармоғининг фойдаланишга топширилиши — Нукус участкасида охирги ишлар олиб борилмоқда. Бугун иншоот бўйлаб барча участкаларда синаш-созлаш жараёни кетяпти. Қувурдан оқаётган сувнинг тозалиги, босими синчиклаб текширилмоқда. Ускуналарнинг созлиғи, ишлашга қанчалик тайёрлиги кўздан кечирилиб, аниқланган нуқсонлар ва камчиликлар шу заҳотиёқ бартараф этиляпти.

Шунга қарамай, қатор қийинчилик ва муаммоларга дуч келинмоқда. Дастлаб иншоотни 1989 йил охирида фойдаланишга топшириш мўлжалланганди. Бироқ ўтган йили Ўзбекистон ССР Давлат моддий-техника таъминоти комитети 68 номдаги ускуналар — насос агрегатлари, маҳкамлагич арматуралар, турли кабеллар, кўприк кранларини вақтида етказиб беришни уддалай олмади.

Сув ўтказгич қувур иншоотини 1990 йил иккинчи кварталида ишга туширишни муддати белгиланганда ҳам ускуналар, лойиҳа-смета ҳужжатлари билан таъминлашдаги қийинчиликлар жуда секин бартараф этилди. Бу тартибда ишлашга бутунлай барҳам берилмас экан, Нукусга етиб келган тоза ичимлик сувни қишлоқ ноҳияларига — Чимбой-Тахтакўпир, Тахиатош-Қўнғирот участкаларига элтиб бориш қийин бўлади.

ШАРҲ: Дарҳақиқат, ҳар қандай катта иш қийинчиликсиз рўёбга чиқмайди. Қолаверса Қорақалпоғистон элида ичимлик сув ўтказгич улкан иншоот қурилиши ҳам бундан мустасно эмас. Аммо, юз берган қийинчиликларни енгиб, бундай ҳолатлардан келгуси фаолиятда хулоса чиқариш манфаатли эканини ҳам унутмаслик керак.

Сув ўтказиш иншоотининг кейинги участкалари қурилишларида моддий-техника таъминотини пухта ташкил этиш, шартнома нархларида материаллар сотиб олишни тартибга солиш, катта иш занжирининг ҳар бир халқасида оқилона иш юритилишига эришиш лозим бўлади. Шундай қилинганда қурилиш ишлари чўзилмай, монтажчиларга пешма-пеш ишлаш шароити яратилади. Тахиатош-Қўнғирот участкасига сув кўтариб берадиган иншоот қурилишини молиявий таъминлаш каби масалаларда аввалдан мўлжаллаб иш тутиш лозим. Бу гап мухтор жумҳурият чап соҳил ноҳиялари аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш муддатларини қисқартишга имкон яратади, деб ҳисоблаймиз.

* * *

Ҳа, Нукус аҳолиси яқин кунлар ичида сувга ёлчиб қолади. Навбатда — қишлоқларни ичимлик сув билан таъминлаш вазифаси турибди. Ўйлаймизки, тоза сувни истеъмолчига етказиб келишда қорақалпоғистонликлар дастлабки муайян тажриба орттирдилар. Бу тажриба қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш, Оролбўйи билан боғлиқ кўпгина масалаларнинг энг ўткирини ҳал этишда асқотади.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

МИСР ПРЕЗИДЕНТИ МОСКВАДА

Кремлда мисрлик меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ҳ. Муборак ва унинг рафиқасини СССР Президенти М. С. Горбачев рафиқаси билан бирга таблиқлаб кутиб олди.

М. С. Горбачев билан Ҳ. Муборак ўртасида қисқача суҳбат бўлиб ўтди.

(ТАСС).

ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТЛАРИДАН

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Фан ва техника соҳасида Ленин мукофотлари ва СССР Давлат мукофотлари комитети билан СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофотлари ва СССР Давлат мукофотлари комитети 1991 йилги СССР Давлат мукофотларини олиш учун ишлар 1990 йилнинг 1 декбригача қабул этилишини маълум қиладилар.

Ишлар комитетларнинг ишларни кўрсатиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўл-йўриқларига мувофиқ тақдим этилиши лозим.

Ишларни кўрсатиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин:

Фан ва техника соҳасида Ленин мукофотлари ва СССР Давлат мукофотлари комитетига — 125047, Москва, 3-Тверская-Ямская кўчаси, 46, телефонлар: 250-38-08, 250-19-47, 250-37-14;

Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофотлари ва СССР Давлат мукофотлари комитетига — 101414, Москва, ГСП-4, Неглинная кўчаси, 15, телефонлар: 923-44-67, 923-62-47.

● Қайта қуриш ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб боргани сари тарихимизнинг очилмаган саҳифалари намоён бўлмоқда. Босиб ўтган йўлимизга қайтадан назар ташлаб, уни янгича тафаккур билан идрок этмоқдамиз. Янгича фикрлаш ва воқеликка янгича муносабатлар ўтмишдаги хатоликларни бартараф этишни, тарихимиздаги «оқ доғ»ларни ювиб ташлашни тақозо этмоқда.

Кейинги пайтларда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг ташкил этилган кунини аниқлаш борасида катта мунозаралар олиб борилмоқда. Ана шу мунозараларни якунлаш, аниқ бир хулосага келиш, асосли ва илмий жиҳатдан исбот қилинган хулосани чиқариш мақсадида редакциямизга олимларни таклиф этдик. Суҳбатда Тошкент давлат дорилфунуни профессори, тарих фанлари доктори Т. САИДҚУЛОВ, тарих фанлари номзоди, доцент С. ХОЛБОЕВ, фалсафа фанлари номзодлари, доцентлар Ш. АЗИЗОВ, Ў. ҲАЙДАРОВ, ҳуқуқшунос олим, доцент Л. ОХУНЖОНОВ, Тошкент халқ хўжалиги институти доценти, тарих фанлари номзоди А. РАЗЗОҚОВ, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди М. МАҲМУДОВ қатнашди.

Т. Саидқулов

С. Холбоев

Ш. Азизов

Л. Охунжонов

А. Раззоқов


М. Маҳмудов

Ў. Ҳайдаров

Мерос

ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ МУҚИМ БЎЛСИН

«Совет Ўзбекистони» давра суҳбати

С. ХОЛБОЕВ: — Тарихий ҳақиқат ва ижтимоий адолатни қарор топтириш бугунги кунининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Тарихимиз саҳифаларидаги «оқ доғ»лар хусусида олимлар даврасида қизғин мунозаралар бормоқда. Менимча, мунозаралардан амалий ишга ўтиш, тарихимизнинг ёзилмаган саҳифаларини тўлдириб, уларни буйруқбозлик ва маъмуриятчилик чангу ғуборидан тозалаш пайти келди. Яқин-яқингача илмий мулоҳазалар юритишда бир хиллилик, «устоз» олимлар хатосини кўриб кўрмасликка олиш, юқоридан берилган «қимматли кўрсатмалар»га итоатгўйлик устун эди. Натижада Ўзбекистон ССРнинг ҳозирги тўрт жилдлик тарихи бир гуруҳ олимлар ва маъмуриятчиларнинг «хонаки ижоди» бўлиб қолди.

Ўнлаб тарихий китоблардаги ноаниқликлар, чалкашликлар ва тарихий ҳақиқатдан чекинишлар бугун намоён бўлмоқда. Ана шу чалкашликлардан бири Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топган тарихий санадир. Биргина «Ўзбек Совет Қомуси»даги «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси» деб номланган катта мақолада ҳамда унга илова қилинган «Ўзбекистондаги муҳим воқеалар хронологияси»да ва бошқа расмий солномаларда Ўзбекистон ССР 1924 йил 27 октябрда ташкил топган деб кўрсатилади.

Шуни айтиш керакки, жумҳуриятнинг ташкил топиш санаси катта тарихий аҳамиятга эга. Шунинг учун бу кунни тўғри ва аниқ белгилаш лозим. Лекин нимагадир 1964 йилгача бу сана 1924 йил 5 декабрь деб белгиланишига қарамай, у 1924 йилнинг 27 октябрида нишонланади. Бизнингча, бу иккинчи бор «қайта туғилиш»га Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тарғибот ва ташвиқот бўлими томонидан 1964 йилда чоп этилган «40 лет Узбекской Советской Социалистической Республики» китобчаси «гувоҳ»лик берган.

Маълумки, Улуғ Октябрь социалистик инқилоби ғалабасидан кейин Ўрта Осиёда Туркистон АССР, Хоразм ва Бухоро Шўролар Халқ жумҳуриятлари ташкил топди. 1924 йилга келиб бу жумҳуриятларда яшовчи халқлар орасида ижтимоий-сиёсий ҳаракат миллий давлат чегараланишини ўтказиш, миллий республикаларга бирлашиш ва СССР таркибига кириш иштиёқи туғилади. Туркистон АССР РСФСР таркибида бўлганлиги учун халқ иродаси ҳисобга олиниб, миллий чегараланиш таклиф этилади. РСФСР Советлари Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг сессияси бу талабни 1924 йил 14 октябрда маъқуллайди. Шундан сўнг шу йил 27 октябрда СССР Советлари Марказий Ижроия Комитетининг II сессияси ҳам Ўрта Осиёдаги уч республика Советлари қурултойининг миллий давлат чегараланишини ўтказиш тўғрисидаги талабномасини қўллаб-қувватлайди. Сессия қарорида «Меҳнат аҳлининг эркин равишда ўз ҳоҳишини изҳор этиши энг олий қонундир» деб алоҳида таъкидланади. Шу билан бирга СССР Марказий Ижроия Комитети Президиумига янги ташкил этилган республикаларнинг давлат мақомлари уларнинг Советлари қарорлари асосида белгиланишини қатъий уқтиради.

Энди 1924 йилнинг 5 декабри масаласига келсак, бу сана қарийб 40 йил давомида Ўзбекистон ССР таваллуди сифатида байрам қилиниб келинди. Худди шу куни Ф. Хўжаев бошчилигидаги миллий чегараланишни ўтказиш ва Ўзбекистон ССРни ташкил этиш учун Бутунсоветларнинг биринчи таъсис съездини чақиришга масъул бўлган революцион комитетнинг «Ўзбекистоннинг ҳамма меҳнаткашларига!» мурожаатномаси «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» газеталарида босилган эди. Бу иккала сана ҳам Ўзбекистон тузилишининг бош тарихий санаси бўлолмайди. Негаки, СССР Марказий Ижроия Комитетининг сессияси Ўрта Осиёда миллий социалистик жумҳуриятларни тузишга кўрсатма беришга масъул эмаслиги, бу ҳуқуқ ва ҳоҳиш халқнинг ўзида эканлиги, сессиядан 29 кун кейин Файзулла Хўжаев бошчилигида ревком тузилиши, «Мурожаатнома»нинг газетада эълон қилинган кун республика тузилишини билдира олмаслиги, ревкомнинг ўзи эса ташкилий характерга эга эканлиги ҳисобга олинса бу нарса аёндир.

МУХБИР: — Тарихий ва қомусий китоблар, илмий рисолаларни варақлаганимизда баъзан бошимиз гангиб қолади. Махсус юбилей нашрларида ҳам қатор чалкашликлар бор. Ўзбекистон ССР таваллуди тўғри хил талқин этилади. Тўрт сана байрам сифатида таклиф этилади.

С. ХОЛБОЕВ: — Тўғри, айрим адабиётларда Ўзбекистон ССР таваллуди 1924 йил 27 октябрь, бошқа бирида эса 1924 йил 5 декабрь деб белгиланган. Яна баъзи бир китобда бу сана 1925 йил 17 февраль деб кўрсатилади. «Ўзбекистон ССР тарихи»нинг учинчи жилди ва бошқа бир қатор асарларда эса бу сана умуман тилга олинмайди. Бизнинг тарихимиз ана шундай: ҳар ким ўзича талқин қилган, ҳар ким ўз манфаатига қараб ўзгартириб юборавергач. Шундай эмасми, Тўра Собирович.

Т. САИДҚУЛОВ: — Ҳозиргача тарихий ҳақиқат ярим ҳақиқатлигича талқин қилинганлиги рост. Кўпинча мутахассис сифатида бир-бирига зид фикрларни китобларда ўқиб ёқа ушлайман. Энди биз тарихчилар бирлашиб, бир мақсад йўлида кучларни тўплаб, воқеликка ҳар томонлама асосли қарашимиз керак. Ҳозир сиз кўтараётган масала долзарблигини ва айни пайтда илмий жиҳатдан асосли эканлигини таъкидлайман.

А. РАЗЗОҚОВ: — Кўтарилаётган масала юзасидан айрим саволларим бор. Биринчидан, Ўзбекистоннинг таваллуд кунини тўғри белгилаш жиддий масала. 66 йилдан буён давом этиб келаётган бу чалкашликларни тугатиш керак. Бироқ ҳозиргача жумҳурият Фанлар академияси Тарих институти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтлари ишлаб келаётган эди-ку! Бу илмий даргоҳларда қанчадан-қанча фан докторлари ва номзодлари Ўзбекистон тарихига оид ишлари учун диссертациялар ёқлашди. Улар қаёққа қарашди. Иккинчидан, мазкур санани ўзгартириш Ўрта Осиё жумҳуриятлари ташкил этилган кунига ҳам таъсир этмасмикан?!

С. ХОЛБОЕВ: — Яхши масалани ўртага ташладингиз. Сиз тилга олган ҳар икки институт ходимлари айтиш мумкинки, маъмурий-буйруқбозлик усулидан четга чиқа олишмади. Бошқа йўл йўқ ҳам эди-да! Улар раҳбарларнинг кайфиятига қараб тарихий саналарни ўзгартираверишди. Турли соҳадаги мутахассислар суқилиб киравергач, саналар ана шундай чалкашиб кетди.

Иккинчи саволингизга эса шундай жавоб қилишим мумкин. 1989 йил апрель ойида академиянинг Тарих институтида Иттифоқ миқёсида илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда сўзга чиқдим. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши Ўрта Осиё жумҳуриятларининг туғилган куни билан боғлиқ. Биринчидан, Ўзбекистон ва Туркманистон жумҳуриятларининг ташкил топиши сунъий равишда бир кунга боғлаб қўйилган. Тожикистон АССР эса 1924 йил 14 октябрда Ўзбекистон ССР таркибида ташкил топган дейилади.

А. РАЗЗОҚОВ: — Кўрдингизми, ҳали Ўзбекистон йўқ эди.

С. ХОЛБОЕВ: — Бу қўшни жумҳуриятимиз тарихидаги «оқ доғлардан» бири. Шунинг учун бу муаммонинг ечими, уларнинг ўзига ҳавола. Туркистон АССР эса ҳали РСФСР таркибида эди.

А. РАЗЗОҚОВ: — Биз шундай ҳолатни кўз олдимизга келтиришимиз мумкин: фарзанд кўрамиз-у, гувоҳномасини олишга, унинг ҳуқуқий жиҳатдан тан олинишига кам эътибор берамиз ёки унутамиз. Балки жумҳуриятлар олдинроқ ташкил топгандир.

Т. САИДҚУЛОВ: — Энди аниқ ва лўнда тарихий воқеаларга ўтайлик. Шунинг ўзи масалани равшанлаштириб беради.

СССР Марказий Ижроия Комитетининг Раиси М. И. Калинин Тошкентга келди. 1925 йилнинг 6—12 февраль кунлари Бухородa Ўзбекистон Компартиясининг биринчи съезди бўлди. Съезд кун тартибидаги қатор масалалар, жумладан Ўзбекистон Компартияси ташкилий бюросининг ҳисоботи ва партиянинг навбатдаги вазифаларини, Ўзбекистон КП/б/ Марказий Контрол Комитети ҳисоботи ва навбатдаги вазифалари, Ўзбекистоннинг хўжалик аҳволи, миллий тузилмалар, Қизил Армия, партия марказий органларини сайлаш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

13—17 февраль кунлари эса Бухородa Ўзбекистон ССР Советларининг I таъсис Қурултойи бўлди. Съезд делегатлари халқларнинг хоҳиш-иродасини ифода этиб, ғоят муҳим ҳужжатни—Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилганлиги тўғрисида декларацияни қабул қилди. Бу декларация Ўзбекистон ССР тузилганлигини қонуний тарзда расмийлаштирди ва Ўзбекистон ССР Иттифоқдош республика ҳуқуқлари асосида Совет Социалистик Республикаларига ихтиёрий суратда киришини эълон қилди.

Советлар съезди республика Давлат ҳокимиятининг раҳбар органи — Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетини сайлади ва Халқ Комиссарлари Советини тасдиқлади. Марказий Ижроия Комитети Раиси қилиб Йўлдош Охунбобоев сайланди. Халқ Комиссарлари Советининг раиси қилиб эса Файзулла Хўжаев тайинланди.

СССР Марказий Ижроия Комитетининг иккинчи сессияси Ўрта Осиё халқларининг хоҳишини ҳисобга олиб, 1924 йил 27 октябрда (янги сана) қабул қилган қарори ҳамда Туркистон АССР Советлари Марказий Ижроия Комитетининг, Умумхоразм Советлари V, Умумбухоро Советлари V қурултойлари янги Совет Социалистик Республикаларини ва автоном областларини тузиш тўғрисидаги қарори билан Ўзбекистон ССРни ва Ўрта Осиёдаги совет миллий республикаларини тузиш қонуни кучга кирди(?). Ҳали ахир Ўзбекистон ССРнинг ташкилий қурултойи бўлгани йўқ эди-ку? Биринчи қурултой ва Декларация 1925 йил 17 февраль куни қабул қилинди-ку?!

Яна бир санага эътибор берайлик, СССР Советларининг III съезди (1925 йил 13 май) Ўзбекистон ССРни СССР таркибига киритди.

1924 йилнинг 18 ноябрида Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Социалистик Республикалари Советлари Марказий Ижроия Комитетларининг сессиялари бўлди. Уларда мазкур жумҳуриятлар ижрокомлари ваколатлари тўхтатилиб, Ф. Хўжаев бошлиқ Ўзбекистон ССРни тузишга доир Революцион Комитетга топширилди.

Энди бу муҳим санага эътибор беринг. 1924 йилнинг 5 декабри Ўзбекистон ССРнинг Революцион Комитети (13 кишидан иборат) халққа Мурожаатнома эълон қилди ва ҳокимиятни қабул қилиб олганлигини эълон қилди. Ревком ўз фаолиятини Самарқандда бошлади. Ҳокимиятни қабул қилиш бу Ўзбекистон ССР тузилди, деган гап эмас. Мурожаат ўша йили 25 декабрь куни газеталарда эълон қилинди. Унга Ф. Хўжаев бошлиқ Ревком раиси ва унинг аъзолари қўл қўйган.

Ушбу сана, яъни 1924 йил 5 декабрь яна икки ҳужжатда қайд этилди. Биринчиси, СССР Олий Совети Президиумининг 1939 йил 23 декабрдаги Фармонига биноан Ўзбекистон ССР ташкил этилганининг 15 йиллиги муносабати билан республика Ленин ордени билан тақдирланди. Ушбу Фармонга М. Калинин ва А. Горкин имзо чекди. Иккинчиси, 1939 йил 24 декабрда СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП/б/ Марказий Комитети Ўзбекистон ССРнинг 15 йиллиги муносабати билан табрик хатини йўллади.

Ўзбекистон Компартияси ва жумҳурият ташкил топганини бир кунда нишонлаймиз. Бу мантиққа яқин. Чунки 1925 йил февралида олдин партия қурултойи ва бир кундан сўнг эса Советларнинг биринчи таъсис қурултойи иш бошлади. Жумҳурият ташкил топганлиги 17 февраль куни қонунлаштирилди. 1924 йил сентябрда бир ой ичида материал тайёрланди. Бу ақлга сиғмайди. («Ўзбекистон ССР тарихи») 1924 йил декабрида Ўзбекистон ССР Ревкомининг Мурожаатномаси эълон қилинганини айтдик. Унга 13 киши қўл қўйган. Бу бир гуруҳ раҳбарлар қўли билан қилинган иш. Халқ иродаси ҳисобга олинмаган. 65 йил мобайнида биз ана шу ғайриқонуний санани нишонлаяпмиз.

Ш. АЗИЗОВ: — Гап фақат сана устида бормаяпти. Халқ тарихи халқ давлати туғилган кундан бошланади. Давлат эса ҳуқуқий томондан мустаҳкамланган ва қарор топган бўлиши керак.

Т. САИДҚУЛОВ: — Албатта, менинг фикримча 1925 йил февралида қабул қилинган Декларация ана шу ҳуқуқий тасдиқнинг ўзи эди. Ў Конституция ўрнини босади. Республика Конституцияси кейинчалик ана шу Декларация асосида вужудга келган.

Ўзбекистон коммунистларининг биринчи қурултойида республика партия ташкилоти ташкил этилди. Республика шундан сўнг сессияда таъсис этилди. Шунга кўра биз 17 феврални республика ва унинг партияси дунёга келган кун десак хато бўлмайди.

А. РАЗЗОҚОВ: — Буни яхши таъкидладингиз, Тўра Собирович. Яна бир нарсага диққатингизни тортаман. 1922 йил 30 декабрда СССР тузилганлиги тўғрисида ҳам худди шундай Декларация қабул қилинди. Демак, фақат Декларация қонун кучига эга. У ҳуқуқий жиҳатдан давлат ташкил этилганлигини тасдиқлайди.

Яна бир фикр. М. И. Калинин ўз нутқида Ўзбекистонни «Эндигина туғилган республика» деб баҳолади.

Шу муносабат билан бир масала устида ҳам тўхталмоқчиман. Кўп адабиётларда 1918 йил 30 апрелда Туркистон АССР тузилган деган фикр аниқ ёзилган. Лекин Қомусда бундай республика йўқ. Бу ерда Туркистон Совет республикаси (535-бет), ҳатто Туркистон Совет Федератив Республикаси ва бошқа бир қанча номлар берилган. Ажабланарлиси шуки, китобнинг кўп жойларида, жумладан Декларацияда ҳам (230-бет) ТАССР деб ёзилган. Бир жойда ТССР деб ёзилган. Бу масалага ҳам аниқлик киритиш даври келди.

Яна бир муаммо. Умуман Ўрта Осиёдаги бошқа жумҳуриятларнинг ташкил этилган даврига ҳам аниқлик киритиш зарур. Бунинг учун махсус илмий йиғин, конференция ёки симпозиум ўтказиш лозим бўлади.

Ш. АЗИЗОВ: — Ҳар қандай миллий жумҳуриятнинг байроғи, гимни ва герби ўша давлатнинг муқаддас белгиси ҳисобланади. Бироқ ундан ҳам муқаддасроғи миллий кун санаси деб ўйлайман. Давлатнинг ташкил топгани—унинг ижтимоий тузумига таъсир ўтказа бошлаган кун қатъий ҳақиқат асосида қурилмоғи даркор. Ўрта Осиё жумҳуриятлари, жумладан Ўзбекистоннинг ташкил топиши атрофидаги фикрларга эътибор бериб бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Янги тузилган жумҳурият ҳудудида Бухоро ва Хоразм жумҳуриятлари Афғонистон, Эрон, Туркия сингари мамлакатлар билан дипломатик алоқада эди. Бу кичик жумҳуриятлар халқаро майдонга чиқиб олган эди. Ана шу мустақил, ўзининг сиёсий ва ҳуқуқий позициясига эга бўлган миллий давлатлар Ўзбекистонга қўшилишининг ҳуқуқий томонларини кўп ўйлайман.

Янгича қарашлар ижтимоий муаммолар ечимида жасурлик, янги вазифаларни дадиллик билан қўйиш, ноанъанавий тавсиялар ва ҳаракатларни илгари суриш, эскирган, вазият талабларига жавоб бермайдиган шарҳлар ва қоидалардан қутулишни тақозо қилади. Шу жиҳатдан олганда Иттифоқда кўзга кўринган Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши санасини аниқлаш юқоридаги талабга мос келади. Негаки, бунда гап салмоқдор иттифоқдош жумҳуриятнинг рамзий характеристикаларидан бўлган миллий давлат байроғи, тамғаси (герби) ва гимн аҳамиятидан кам бўлмаган балки буларнинг қарор топишида бирламчи бўлган вақт тўғрисида боради. 1924 йилнинг 27 октябрида амалда Ўзбекистон ССР ва бошқа маъмурий тузилмалар йўқ эди.

1924 йил 18 ноябрь санасига алоҳида эътибор бериш керак. Гап шундаки, СССР Марказий Ижроия Комитети Бухоро, Хоразм ва ТАССРда миллий-давлат чегараланиши ўтказилишини қўллаб-қувватлаган ва ўз ҳайъатига янгидан тузилаётган жумҳуриятларни расмийлаштиришни топширганидан сўнг 18 ноябрда аввалги мустақил давлатлар ўзларининг тугатилганлигини эълон қилди. Уларнинг ўрнига Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Инқилобий Қўмитаси ташкил топди. Унинг асосий вазифалари қилиб: а) вақтинча бошқариш ва Советларнинг Таъсис съездини чақириш, б) иқтисодий, сиёсий, маъмурий, ҳуқуқий, ташкилий тадбирларни ўтказиш белгиланди. Ревком таркиби эса СССР МИК томонидан тасдиқланди. Назаримизда бу ҳол вазият тақозоси билан изоҳланади, холос. Негаки, тузилаётган Ўзбекистон расман ҳали СССР таркибига кирмаган эди. Демак, ушбу сана ҳам миллий кун мақомига етарли тарзда жавоб беролмайди.

Энди 1924 йил 5 декабрь хусусига келсак. Бу кун Ўзбекистон ССР ва унинг биринчи «муваққат» ҳукумати — революцион Комитет тузилгани юқорида таъкидланди. Ревком ҳокимиятни ўз қўлига олди, «доимий ҳукуматни сайлаш учун Ўзбекистон ССР ишчилари, деҳқонлари ва қизил аскарлари Советининг биринчи қурултойини тайёрлаш ва ўтказиш унинг асосий вазифаси» бўлиб қолади. Унда туғилаётган давлатнинг бошқа зарурий элементлари (тамға, байроқ, гимн ва бошқалар) бўлмайди. Демак бу сана ҳам халқимиз учун умуммиллий кун вазифасини ўта олмайди.

С. Холбоев 1925 йил 17 феврални Ўзбекистон ССР ташкил этилган кун, миллий байрам деб эълон қилишни таклиф этади. У шу куни қабул қилинган «Декларация» ва кейинги йиллар адабиётига таянади. Биз қўшимча манба ва далилларга мурожаат қилиб, олим таклифига қўшиламиз.

1926 йилда Тошкентда чоп этилган «Вся Средняя Азия» деб номланган маълумотномада таниқли ҳуқуқшунос, профессор И. И. Крильцов шундай ёзади: «Ўзбекистон ССРнинг узил-кесил расмийлашуви 1925 йил 17 февралда 1-Бутуниттифоқ Таъсис қурултойида амалга ошди. Қурултойда жумҳуриятнинг олий ҳокимият органлари: Бутунўзбек Марказий Ижроия Комитети, 18 февралда МИК сессиясида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети тузилди.

1925 йил 17 февраль ўзбеклар учун Ўзбекистон Республикаси эълон қилинган тарихий сана бўлиб қолди».

1-Қурултойда янги жумҳурият тузилганлигининг салмоғини тўла ифодалайдиган шундай қарорлар (масалан, ялпи авф эълон қилиниб, Бухоро, Хоразм ва ТАССРда ҳукм қилинган кўплаб маҳбуслар озод этилди) қабул қилиндики, аввалги манбаларда булар тўғрисида гап ҳам бўлмаган эди.

Ҳар қандай шароитда амалий ўзгаришлар халқлар учун даставвал миллий-сиёсий мустақиллик таъминлангандан кейингина реал ижобий мазмунга эга бўлади. Шунга кўра Ўзбекистон ССРнинг сиёсий-ҳуқуқий шаклланиши тўла ўз ифодасини халқнинг ҳуқуқий ваколатли органлари иши йўлга қўйилгандан кейингина топди. Бинобарин, миллий сиёсий сана мақоми талабларига 1925 йил 17 февраль куни тўла мос келади.

Л. ОХУНЖОНОВ: СССР Марказий Ижроия Комитетининг Ўрта Осиё республикалари II сессиясининг 1924 йил 27 октябрь қарорини ҳамда Ўзбекистон Инқилобий қўмитаси (Ревком) Хитобнома эълон қилган кунни кўпгина олимлар Ўзбекистон жумҳуриятининг туғилган куни деб ҳисоблайди.

Модомики Сиз, ўртоқ Холбоев, юқорида айтилган ҳар икки санани нотўғри ва мантиққа зид саналар, деб ҳисоблаган экансиз, мен ҳам бу хусусда ўз фикримни билдирмоқчи эдим.

У кезлари гап Ўзбекистонни тузиш устида бораётган, у ҳали қонуний расмийлашмаган ва СССР таркибига кирмаган эди. Бу режалар, гаплар фақат харитагагина туширилган эди. СССР МИКнинг қарорида қандайдир буйруқбозлик тазйиқи тусидаги қарорга ўхшаб кетади, деган фикрлар ҳам йўқ эмас.

Ҳолбуки, СССР МИКнинг 1924 йил 27 октябрь қарорида жон бор. Чунки мазкур қарорда Бухоро ва Хоразм Халқ Социалистик Республикалари, шунингдек, Туркистон АССР ҳудудида яшаб турган меҳнаткаш халқлар иродаси ҳисобга олинган, айни вақтда янги тузилган иттифоқдош жумҳуриятларнинг шартнома асосида СССР таркибига киришга хоҳиш билдирганлиги тасдиқланган ва унга қонун кучи берилган. Лекин бу қарорда Ўзбекистон ССРнинг тузилганлиги қонуний расмийлаштирилди, деган ибора йўқ. Қарор жумҳуриятларнинг расмийлашуви жараёни, аниқроғи миллий давлат чегараланиши жараёнининг дастлабки босқичига тааллуқли, холос. Ҳамма айб халқ эрки иродасини четлаб ўтиб, масалага ўта субъектив ёндашиб, айрим ҳужжатларга имзо чекканлардадир.

Дарҳақиқат, ўша вақтда Ўрта Осиёдаги собиқ жумҳуриятлар барҳам топганлиги ва янги тузилган жумҳурият ва автоном вилоятлар чегараланиб бўлинганлиги фақат қоғозда эди. Шу боисдан ҳам бу даврда янги тузилаётган жумҳуриятларни узил-кесил қонуний расмийлаштириш масаласи уларнинг биринчи таъсис съездлари ихтиёрига ҳавола қилинди.

Миллий давлат чегараланиши Советлар шароитида қуролли қўзғолонсиз, лекин қаттиқ тортишувлар, фикрлар тўқнашуви жараёнида, собиқ жумҳуриятларнинг розилиги билан тинч вазиятда ўтказилди. Бу борада айрим чалкашликлар ва хатоликларга ҳам йўл қўйилган эди. Бироқ бу алоҳида мавзу.

Айни пайтда, у беқиёс қудратли революцион тадбир бўлди. Тўғри, ревком фаолияти билан бўлажак бино пойдеворига биринчи ғишт қўйилган эди. Бинобарин, бу иморатнинг умуртқа тузуми эндигина барпо қилинаётган эди. Ҳовли тўйига ҳали вақт бор эди. Бунинг учун иморат битиб, унга эгаси кўчиб кириши, қонуний жиҳатдан ўз мулкига айланиши керак эди. Ана шундай тантанали маросимни қонун билан мустаҳкамлаб берган Советларнинг 1-таъсис қурултойи бўлди.

Масаланинг яна бир жиҳатига эътибор берайлик. Янги ташкил топган жумҳуриятларда дарҳол ҳуқуқ меъёрларини яратиш ва бу ҳудудларга уларни бир йўсинда татбиқ қилиш мумкин эмас. Чунки улар ўзларининг ижтимоий, иқтисодий, маданий ривожланишлари жиҳатидан турли босқичларда эдилар. Шунинг учун ревком 1924 йилнинг ноябрида Ўзбекистонда ягона қонунчилик ўрнатилгунга қадар СССР ҳукумати қонунлари амал қилиб туриши борасида қарор қабул қилди.

Гап ягона ва тўғри санани қатъий белгилашда. Модомики шундай экан, у С. Холбоевнинг кўтарган муаммоси баёнида тўғри исботланди.

М. МАҲМУДОВ: Ҳозир бир нарса аниқ сезилмоқда. Олимларимизнинг кўпчилиги ҳали ҳам янги фикрларни қабул қилишда нималандир ҳайиқадилар. Зарур илмий хулосаларни дадил кўтаришдан чўчийдилар. Бу ўтмишдаги маъмурий-буйруқбозлик усули қолдирган оғир жароҳатдан бўлса керак.

Ўзбекистон ССРнинг ташкил топган куни атрофида кўтарилган муаммонч долзарб, айни пайтда зарур мавзу деб биламан. Мазкур сана ҳақида юқорида батафсил гапирилди. Мен яна ўша рақамларни такрорлашни истамайман. Зеро, бунга эҳтиёж ҳам йўқ. Бироқ, жумҳуриятимизнинг тўлақонли, ҳар томонлама — сиёсий, ҳуқуқий, маънавий жиҳатдан том маънода туғилган куни — 1925 йил 17 февраллигини мутахассис сифатида тўла маъқуллайман.

Ў. ҲАЙДАРОВ: Илм аниқликни талаб қилади. Лекин ана шу аниқликка ҳамма вақт ҳам эътибор берилмай келинди. Илм соҳиби ҳалол, ростгўй, масалаларга объектив ёндашмоғи лозим. Жамиятнинг нуфузи, обрўси унинг олимлари томонидан масалаларнинг тўғри ҳал қилиниши, илмий хулосаларнинг аниқ ва асослилиги билан ҳам боғлиқ. Айниқса тарихни, халқ ҳаётида рўй берган улкан саналарни аниқ ва равшан баҳолаш керак. Давра суҳбатида кўтарилган масала худди ана шу жиҳати билан муҳим.

Юқорида айтилганидек, миллий давлатнинг, миллий жумҳуриятнинг дунёга келгани сиёсий воқеа бўлиши билан бирга миллий байрам ҳамдир. Биз жумҳуриятимиз билан фахрланар эканмиз, унинг туғилган куни биз учун байрам бўлишини унутмаслигимиз керак. Бу кунинг сиёсий, маънавий, руҳий ва социал мазмунини чуқурроқ англашимиз керак. Бунинг учун байрамни байрамдек ўтказиш чора-тадбирларини кўриш лозим.

● Хотира

УНУТМАЙМАН

Матбуот саҳифаларида Ўзбекистонимиз 1924 йил 27 октябрь, ёхуд 5 декабрда ташкил этилган деб ёзилади. Бу саналар мутлақо нотўғри! Мен жумҳуриятимиз қачон, қаерда ташкил этилганлигининг гувоҳиман.

1925 йилнинг 8 февралида уезд ёшқўм котиби Собир Холиқий менга гувоҳнома бериб, эртага Тошкентга, сўнг Бухорога — Ўзбекистоннинг ташкил этилиши ҳақидаги съездга Наманган кашшофлари номидан вакил бўлиб борасиз, деди. Биз Тошкентдаги вакиллар билан 11 февралда Бухорога бордик. Эртасига М. И. Калинин келди, у билан учрашувлар бўлиб ўтди.

1-таъсис съезд 13 февраль куни эрталаб ўз ишини бошлади ва 17 февралгача давом этди. Таъсис съезди «Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳурияти ташкил этилганлиги тўғрисида» декларация қабул қилди. Йўлдош Охунбобоев Марказий Ижроқўм Раиси, Файзулла Хўжаев эса жумҳурият Халқ Комиссарлари Кенгаши Раиси этиб сайланди.

Мен ўша кунларни сира унутмайман.

И. АБДУРАЗЗОҚОВ,
уруш ва меҳнат ветерани, Наманган шаҳри.

РЕДАКЦИЯДАН: Давра суҳбатида кўтарилган масала юзасидан мунозаралар анчадан буён давом этмоқда. Бироқ, тарихий ҳақиқатнинг қарор топиши фақат мунозараларгагина боғлиқ эмас. Балки, амалий иш, аниқ илмий хулоса ва ҳар томонлама асосланган дадил ҳаракатга ҳам боғлиқ.

Тобора яқинлашаётган Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдаги сессияси Компартиясининг XXII съезди ва Ўзбекистон бу масалада муқим фикрга келади деб, ўйлаймиз.

Давра суҳбатини М. ПИРМАТОВ билан Н. ЖУРАЕВ ёзиб олди.

Ҳамид Олимжон таваллудининг саксон йиллигига

Чархийга мактуб

Атоқли шоира, Ҳ. Олимжоннинг умр йўлдоши Зулфия шундай ёзади: «Ҳамид Олимжон йиққан китоблар орасида унинг «Кундалик дафтар»и чиқиб қолди. Ҳамид Олимжон 1933 йилнинг 5 апрелидан то 29 апрелигача Мулкобод ва Қўқонда бўлади... «Кундалик дафтар» Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон», «Жиноят» каби бир қанча асарларининг хамиртуришини шу сафар жараёнида топганлигидан ҳам гувоҳлик беради».

Адабиётшунос олим Наим Каримов ҳам Фарғона водийси Ҳамид Олимжон учун илҳом маскани бўлиб қолганини таъкидлайди. Ижодкорнинг «Қува қўйнида», Катта Фарғона канали қурилиши ҳақида «Ҳаёт дарси» очерклари, «Бахтлар водийси», «Маҳорат» шеърлари, «Шоҳимардон», «Ота ҳаётидан» достонлари Фарғона водийси сафарлари таассуротлари туфайли ёзилган. «Муҳаммад Амин Муқимий», Фурқат ҳаёти ва ижодига бағишланган «Ўзбек халқининг ўлмас шоири» мақолалари Ҳ. Олимжоннинг Қўқон адабий муҳитига қизиққанлигидан далолат.

Ҳамид Олимжон Фарғона водийси ижодкорларига ғамхўрлик кўрсатди, улар билан яқин муносабатда бўлди. Унинг қўқонлик шоир, уста хаттот Чархий билан бўлган алоқаси ҳам диққатга сазовор. Маълумки, Чархий узоқ йиллар давомида Муқимий ҳужра-музейи мутасаддиси бўлиб хизмат қилган. Ўтмишдаги ижодкорлар асарларини тўплаш, чоп эттиришда жонкуярлик кўрсатган.

Бугунги кунда музейимиз фондида Ўзбекистон халқ шоири Чархий архиви сақланади. Архив материаллари орасида Ҳ. Олимжон имзолаган икки мактуб бор. Биринчиси — шоир Чархийнинг Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси рўйхатида туришини тасдиқловчи ҳужжат-шаҳодатнома.

Иккинчисининг мазмуни қуйидагича:

«Қадрли ўртоқ Чархий. Мен ўртоқ Чустий билан бирга шоир Ёрийнинг уйида бўлдим. Биз унинг асарлари билан танишдик. Ёрийнинг шеърлари ичида муҳим аҳамиятга эга бўлган асарлар бор. Шунинг учун Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи Сиздан унинг уйига бориб, бир неча кун ичида шоир Ёрийнинг барча асарларини кўчириб чиқишингизни ва 10 кун ичида бизга юборишингизни сўрайди. Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг масъул секретари: (имзо) Ҳамид Олимжон 17. 11. 1943 йил».

Шоир Чархий Ҳамид Олимжоннинг илтимосини қондирди. 1945 йили Тошкентда қўқонлик шоир Ёрийнинг шеърлар тўплами нашр қилинди.

Ҳ. ОТАЖОНОВ,
З. ИСОМИДДИНОВ,
Қўқондаги Ғафур Ғулом номли адабиёт музейи илмий ходимлари.



ҚАДРЛИ ЎРТОҚ ЧАРХИЙ

Мен, ўртоқ Чустий билан бирга шоир Ёрийнинг уйида бўлдим. Биз унинг асарлари билан танишдик. Ёрийнинг шеърлари ичида муҳим аҳамиятга эга бўлган асарлар бор. Шунинг учун Ўзбекистон Совет Ёзувчилар Союзи Сиздан унинг уйига бориб, бирнеча кун ичида шоир Ёрийнинг барча асарларини кўчириб чиқишингизни ва 10 кун ичида бизга юборишингизни сўрайди.

Катанович, масъул секретарь, шаҳар Советига керак бўлган барча ёрдамни беради.

Ўзбекистон ёзувчилар Союзининг масъул секретари: /Олимжонов/

17/XII-43 г.

Исроилжон Ҳайдаров Андижондаги 2511-автоколоннада ҳайдовчи бўлиб ишлар эди. Тўнғич ўғли Совет Армиясига чақирилганига бир ой ҳам бўлмади. Соппа-соғ ўйнаб-кулиб юрган эди. Бирдан юраги ҳуруж қилди-ю, тиббиёт ходимлари ҳам ожизлик қилиб қолдилар. Биз дафн этиш маросимида бўлдик. Таъзияга келганларнинг аксарияти ҳамкасблари эди. Ўшанда йиғилганларнинг қўйидаги сўзлари ҳаммамизни ҳайратга солди. Эшитганлар «Наҳотки... яша, умрингдан барака топ» дейишарди. Гап шундаки, ҳайдовчилар марҳумнинг оиласига уч минг сўм ёрдам кўрсатишга қарор қилишган эди.

Бир неча кундан кейин биз автоколонна бошлиғи Алижон Мўминов ҳузурига бордик. Ўша таъзияда одамлардан эшитганларимизни шарҳлаб беришни илтимос қилдик.

— Гапим эртакка ўхшаса керак, лекин аслида ҳақиқат, — деди у гап бошлаб.

— Меҳнат коллективи кенгашида ҳаётдан кўз юмган ҳамкасб дўстларимизнинг оиласига бир йўла беш минг сўм ёрдам кўрсатишни таклиф қилиб чиқдим. Эртамикечми бундай айрилиқ ҳаммамизнинг бошимизда борлигини тушунтирдим. Ниҳоят, уч минг сўмга рози бўлишди. Ишчи-хизматчиларнинг яқинлари вафот этганда ҳам оз бўлсада моддий ёрдам кўрсатиш бизда илгаритдан анъанага айланган...

Автоколонна хўжалик ҳисоби ва ижара пудратига ўтгандан кейин унинг ҳар йили олаётган даромади миллионлаб сўм билан ўлчанянти. Ҳалол ишлаб топилган фойда коллективнинг ўзига сарфланиши учун ҳуқуқ берилди. Автоколонна маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари, меҳнат коллективи кенгаши эса ана шу ҳуқуқни меҳнат қилиб, умумий юксалишга ҳисса қўшаётганлар манфаатига сафарбар этаётирки, бу ҳамманинг ҳавасини келтирмоқда. Халққа кўрсатилаётган ана шу беминнат хизматнинг бошида талабчан раҳбар турибди. Шу боис кўпгина хайрли ишлар рўёбга чиқмоқда.

— Биз марҳумларнинг оиласига бир йўла уч минг сўмни бериб қўймаймиз. Меҳнат коллективи кенгаши уларнинг моддий жиҳатдан эҳтиёжларини ўрганади, маҳалла комитетлари, қўни-қўшниларнинг фикрларини жамлайди. Натижада ягона қарорга келамиз, — дейди автоколонна касаба союз ташкилотининг раиси Холматжон Юнусов.

— Ўтган йили биз ана шундай қайғуга тушган 8 оилага ёрдам бердик. Андижон шаҳрининг Бўстон маҳалласида яшовчи электрчимиз

• Коллектив ва шахс

ХИЗМАТ ҚИЛИШ БАХТИ

Одилжон Йўлдошев бевақт оламдан кетди. Биз унинг уч фарзанди номига омонат дафтарча очтириб, минг сўмдан пул ёздириб қўйдик. Василий Пушкаренко, Исроилжон Ҳайдаров каби дўстларимизнинг олдидаги бурчларимизни ҳам ана шундай адо этдик.

Биз автоколонна бошлиғи А. Мўминов билан суҳбатлашиб ўтириб, у ўз фикр, ўз нуқтаи назарига эга эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдик.

Автоколоннада инсон омилини кучайтириш соҳасида амалга оширилаётган ишларни таҳлил этар эканмиз, бу борада дадил ҳаракат қилинаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

— Мен Россия федерациясидаги автокорхоналарда бўлганман, уларнинг иш шароити, фаолиятини яқиндан ўрганганман. Ҳайдовчиларнинг маошлари бизникилардан икки-уч баравар юқори. Бунинг устига улар фақат машина ҳайдашнигина биладилар, — дейди А. Мўминов. — Бизда эса машина ремонтида ҳайдовчиларнинг ўзлари иштирок этадилар. Ҳатто эҳтиёт қисмларни топиб келиб кўмаклашадилар. Шундай бўлса ҳам ойлик иш ҳақлари қаноатланарли даражада эмас. Мақсадим, икки йил мобайнида ҳайдовчилар маошини 50 фоизга кўтаришдир. Ўтган йилнинг ўзидаёқ ҳайдовчиларнинг маошлари 32 фоиз ортди.

Ҳа, автоколоннада ижара усули жорий этилгандан кейин қувончли ўзгаришлар қайд этилмоқда. Масалан, биргина ўтган йили 1988 йилга нисбатан бир миллион 100 минг сўм кўп даромад олинди. Бу пул автоколонна ишчилари, хизматчилари, ҳайдовчиларининг пешона тери эвазига келди. Демак пул уларники, ундан баҳраманд бўлишлари керак. Шунинг учун ҳам автоколонна маъмурияти, касаба союз ташкилоти, меҳнат коллективи кенгаши фойдани умумманфаати учун сарфлашнинг энг мақбул йўлларини қидирмоқдалар. Ана шу изланиш шарофати туфайли корхонадан пенсияга чиққанларнинг 1990 йил учун телефон ҳақлари автоколонна ҳисобидан тўлаб қўйилди. Вафот этганларнинг ссуда қарзларини ҳам коллектив ўз зиммасига олди. Бу йилдан бошлаб бир йиллик меҳнат инвалидлигига чиққанлар ўртача маошлари даражасида ҳақ оладиган бўлдилар.

Автоколонна маъмурияти жорий қилган яна бир янгиликдан хабар топдик: Йўловчиларга қўполлик қилган шофёрларга жарима солинади...

Булардан кўриниб турибдики, А. Мўминов етакчилигидаги маъмурият халқ ташвиши билан яшаяпти, ишлаяпти. Халқ ташвишида елиб-югураётган, баъзан дашномларни эшитиб бўлса-да кишиларнинг оғирини енгил қилаётган бошлиқни меҳнат коллективи ҳурмат қилишида ўзига хос маъно ва мазмун бор. Улардан ибрат олиш керак.

Муқимжон НИЁЗОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитети

ТОШКЕНТ ҲИСОБ-БУХГАЛТЕРЛИК ТЕХНИКУМИ

1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитетига қарашли корхоналар учун бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш; халқ хўжалик тармоқларида иқтисод ва планлаштириш мутахассисларини тайёрлайди.

ТЕХНИКУМНИНГ КУНДУЗГИ БЎЛИМИГА 30 ЕШГАЧА БЎЛГАН ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кундузги бўлимда ўқиш муддати ўрта маълумотлилар учун 1 йилу 10 ой.

Ўрта маълумотга эга бўлганлар она тили ва адабиётидан (диктант), математикадан (ёзма) кириш имтиҳонларини топширадилар.

Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган, Совет Армиясида ҳарбий хизматни ўтаб келган, ҳарбий қисм тавсияномасига ёки ҳарбий комиссариатнинг имтиёзли ҳуқуқ гувоҳномасига эга бўлган ва хўжалик йўлланмаси билан келган шахслар конкурссиз қабул қилинади.

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР 1 ИЮНДАН 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари 15 июлдан 25 августгача ўтказилади.

Техникумнинг сиртқи бўлимига 10-синф ҳажмидаги маълумотга эга, ёшидан қатъи назар мутахассислик бўйича ишловчи ва камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган шахслар қабул қилинади.

Сиртқи бўлимга ариза ва ҳужжатлар 10 августгача қабул қилинади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 10 ИЮНДАН 30 АВГУСТГАЧА БИР НЕЧА ТУРЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади: ариза, маълумоти ҳақидаги аттестатнинг асл нусхаси, соғлиги тўғрисидаги медицина справкаси (086/У форма), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, ягона форма бўйича расмийлаштирилган йўлланма, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат.

Кундузги бўлимдаги ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.

Техникум қўнимгоҳи: 700029, Тошкент шаҳри, Сергели—3, 49-уй (40, 58, 75, 98-автобуслар, 19-троллейбуснинг «Сергели—3» бекати) Телефонлар: 57-26-98, 57-26-54.

ЯРМАРКАГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

«ЎЗАГРОСНАБРЕМОНТ» «ЎЗАГРОКООПСНАБ» КООПЕРАТИВИ БИЛАН БИРГАЛИКДА

25-26 МАЙ КУНЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССР Давлат агросаноат комитетларининг агротаъминот бошқармалари иштирокида ортиқча ва фойдаланилмай ётган молмоддий бойликларни сотиш бўйича

РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКАСИНИ ўтказади

Корхоналар, колхоз ва совхозларнинг, кооперативларнинг раҳбарларини, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи гражданларни ярмаркада иштирок этгани таклиф қиламиз.

Маълумотларни 44-63-94, 44-51-69 телефонлари орқали олиш мумкин.

«ЎЗАГРОКООПСНАБ» КООПЕРАТИВИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

В. И. Ленин номидаги Хоразм давлат педагогика институтининг ректори

ВАКАНТ ЛАВОЗИМИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда, Низомга асосан, илмий ва ташкилотчилик тажрибасига эга, 65 ёшгача бўлган профессорлар ва фан докторлари иштирок этишлари мумкин.

Конкурсда иштирок этиш учун ҳужжатлар 22 майгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700078, Тошкент, Парадлар хиёбони, 5.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими, кадрлар ва халқ таълими органлари билан ишлаш бошқармаси 501, 504-хоналар.

Телефонлар: 39-16-69, 39-40-82.

Н. И. Вавилов номидаги Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг

ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ

полиз экинлари бўйича кичик илмий ходим

ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати 23 майгача.

Ҳужжатлар қуйидаги масканга юборилсин: 702134, Тошкент вилояти, Оржоникидзе райони, «Ботаника» алоқа бўлими.

Театр

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 16/V да **Мушкул савдо**, 17/V да **Хотинимнинг эри**, 18/V да **Гул ва Наврўз**.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитети «Мед» фирмаси жамоаси ташқи иқтисодий алоқалар бўйича бош директор ўринбосари Г. Д. Жалоловга онаси

Карима АХМЕТХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўқитувчи» нашриёти жамоаси нашриёт чет тиллар адабиёти редакциясининг мудири Г. А. Алиевга онаси

Рухнавзобиби АШУРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот вазирлиги жумҳурият аҳамиятидаги шахсий пенсионер

Латиф Жамалетдинович БУРНАШЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси Жарқўрғон технологик транспорти бошқармаси бошлиғи Ж. М. Жўраевга онаси

Мактаб БУРИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат педагогика институти маъмурияти ва физика факультети жамоаси назарий физика кафедрасининг доценти А. Бойдедаевга онаси

Зебихон ОТАБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, партия комитети, касаба союз ташкилоти ҳамда ўзбек ва қозоқ филологияси факультети жамоаси ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти С. Э. Ғойибовга онаси

Шарофат ҒОЙИБОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитети жамоаси етакчи мутахассис И. Мансуровга укаси

Холхўжа МАНСУРХОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитети «Ўзбекистон» бирлашмаси бўлим бошлиғи В. Тожиевга онаси

Ҳабибахон ДАМИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

СПОРТ

БИРИНЧИ УЧРАШУВ

● ИТАЛИЯДА футбол бўйича жаҳон чемпионатининг тантанали очилишига саноқли кунлар қолди. Маълумки, 24 кучли команда 6 гуруҳга бўлиниб, дастлабки саралаш баҳсларини ўтказади. Чемпионатнинг 8 июнга мўлжалланган тантанали очилишидан кейин биринчи учрашув «В» гуруҳига кирувчи Аргентина — Камерун командалари ўртасида ўтказилади. Совет футболчилари ҳам ана шу гурухда Аргентина, Камерун ва Руминия командалари билан баҳслашадилар. Футболчиларимиз 9 июнда Руминия, 13 июнда Аргентина ва 18 июнда Камерун командалари билан майдонга тушадилар. Низомга кўра гуруҳларда биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган коллективлар нимчорак финалга йўлланма олишади.

ПЕШҚАДАМЛАР МАВҚЕИ

● ОЛИЙ ЛИГА командалари ўртасида бир учрашув ўтказилди. Пойтахт торпедочилари билан «Шахтёр» футболчилари учрашувида дарвозаларга биттадан тўп киритилди. Ҳозир Москва динамочилари 15 очко билан ягона пешқадам бўлиб туришибди. Пойтахт армиячилари ҳисобида 14 очко бор. Фахрли учинчи ўринда бораётган Киев динамочилари 13 та очко тўплашган.

МЕЗБОНЛАР ЮТУҒИ

● БИРИНЧИ ЛИГА командалари ўртасида бошланган 9-тур учрашувлари бугун якунланади. Бўлиб ўтган икки учрашувда майдон эгалари устун келишди. Чунончи, «Ростсельмаш» «Кузбасс» коллективини қабул қилиб (2:0), ғалаба қозонди. Ставрополь динамочилари эса Москва темирйўлчиларини 2:1 ҳисобида маглубиятга учратишди. «Ростсельмаш» очколарини 6 тага етказган бўлса, динамочилар очкоси 10 та бўлди.



• *Янги рубрика*

ОГОҲ БЎЛИНГ, ОДАМЛАР!

ОНА табиат жониворларнинг ҳаёт-мамот масаласини инсоният олдига кўндаланг қўяётган бугунги кунда ажал келтирувчи қурол билан ов қилишни давом эттириш керакми? Менимча, бу саволга табиатни севувчи ҳар бир киши «йўқ» деб жавоб бериши тайин. Табиат бойликларидан оқилона фойдаланайлик, деган шиорни сўзда эмас, амалда исботлайдиган пайт келди. Эндиликда ҳаваскор овчи табиатга зарар етказмасликнинг бирдан бир йўли — ўт очувчи қуролини ташлаб, беозор фотоаппаратни асосий қурол қилиб олиши керак. Очиғи, бу каби мароқли фотоов билан шуғулланаётган кишилар республикамизда талайгина.

Ахир, тасвирга туширилган манзара, қуш, ҳайвон, ўсимлик ва гиёҳ тирик табиатнинг бир кўриниши, ҳаётнинг бир сонияси, ҳаракати эмасми?

Қўлга фотоқурол олиш — бу она табиатга оққўнгиллик билан муносабатда бўлиш, унга хиёнат қилишдан йироқда туриш, демакдир. Табиат эса бундай олижаноб кишиларга ўз бағридаги сирсиноатини, ботиний гўзаллигини намойиш этишга ҳар доим тайёр.

Табиатга зимдан боқинг. Шунда сиз ҳар бир гиёҳ ва бутанинг шитирлашида, ҳар бир жонивор ва парранданинг мунгли кўзларида бир ҳасратни ўқиб оласиз: «Огоҳ бўлинг, одамлар! Кўнглингиздаги заҳри қаттолни, қўлингиздаги қуролни ташланг!».

З. ҲАЙДАРОВ.

Суратларда: фотоов лавҳалари тасвирланган. Муаллиф олган суратлар.

ТУНДА ОТИЛГАН ЎҚ

Косонсой районидаги «Қўқумбой» совхози фермасида ярим тунда отилган ўқ овози борлиқни ларзага келтирди. Милтиқ нега отилди! Унинг тепкисини босишга нима мажбур қилди!

...Абдусамат Қурвонбоев бир неча йилдан буён оиласи билан совхоз фермасида молбоқар бўлиб ишлаб келарди. Кутилмаганда шу йил март ойининг охирида молхонадан катта бир сигир ўғирланди. Буни у эрталаб билди, мол изи ва уни етаклаб кетган оёқ излари катта асфальт йўлга чиқиб йўқолганди. Абдусамат бу воқеа тўғрисида район ички ишлар бўлимига хабар берди, ўзи икки-уч кун ахтарди. Ноилож бозордан бир мол сотиб олиб чорвага қўшиб қўйишга мажбур бўлди. Негаки йўқолган молни совхоз тан олмайди-да.

Бу ҳам етмагандай, орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас фермадан яна бир катта соғин сигир ғойиб бўлди. Бугал «ғойибдан» келган одам Абдусаматнинг шахсий сигирини олиб кетганди. Хотини ер муштлаб номаълум ўғрини қарғаб қолаверди. Қисқа вақт ичида содир бўлган бу воқеалар на совхоз, на қишлоқ Совети раҳбарларини ташвишлантирди. Улар бундай ўғирликларнинг олдини олишга шошилмадилар.

Ниҳоят Абдусаматнинг ўзи ҳаракатга келди. У ҳамкасби Ҳабибулло Ҳидиров билан тунда пойлоқчилик қила бошлади. 16 апрелга ўтар кечаси молхонани айланиб юриб асфальт йўлда тўхтаб турган енгил автомашинага кўзи тушди. Бу уларни ҳушёр торттирди. Тун ярмидан ўтганда Абдусамат билан Ҳабибулло молхонани айланиб юрганди, бирдан Абдусаматга номаълум икки киши—бири қўлида узун дастали кетмон, иккинчиси пичоқ билан ташланиб қолди. У жонҳолатда қўлидаги милтиқ тепкисини босишга аранг улгурди. Ўғриларнинг бирига ўқ тегиб ҳалок бўлди. Қолган уч нафари қочиб қолди...

Шу заҳотиёқ район ички ишлар бўлимига хабар берилиб, оператив группа ишга киришди. Натижада Наманган шаҳрида яшовчи ўғирликда қатнашган уч нафар шахс қўлга олинди. Ўғирланган икки қорамол топилиб хўжаликка қайтарилди. Айни пайтда мол ўғрилари устидан тергов давом этмоқда.

Н. МАМАЖОНОВ,
Наманган шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори.

ТЎҚИМА ИПЛАР

● Японияда металлаштирилган тўқима иплар олиш технологияси яратилди. Ялтироқ газмол яратиш учун зарур бўлган пишиқ ва мустаҳкам иплар махсус дастгоҳларда металл кукуни билан ишланади. Вақти-вақти билан сочиб туриладиган кукунлар чиройли гулларнинг вужудга келишига сабабчи бўлади. Сўнгра ип вакуум камерага киритилиб, мустаҳкамланади, қуритилади. Газмол тўқиш ишлари оддий усулда олиб борилади.

А. ОБИДОВ.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 03542. № 111. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12